

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТЎПЛАМИ

45-сон
(285)
2007 й.
ноябрь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

+

—

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

451. «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд департаментининг суд қарорларини ижро этиш, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 1 ноябрдаги ПҚ–722-сон қарори
452. «Сув хўжалиги ташкилотлари истеъмол қиладиган электр энергия учун тўловлар механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 5 ноябрдаги ПҚ–723-сон қарори
453. «Ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 5 ноябрдаги ПҚ–725-сон қарори
454. «Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланишига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 ноябрдаги ПҚ–726-сон қарори

Бешинчи бўлим

455. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 октябрдаги ПФ-3931-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлигининг 2007 йил 5 ноябрдаги М-43, 99-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 6 ноябрда 1736-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
456. «Ишлаб чиқариш қувватларининг йиллик ҳисобот балансларини тузиш бўйича кўрсатмаларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси раисининг 2007 йил 29 октябрдаги 13-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 6 ноябрда 790-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
457. «Кимё-фармацевтика маҳсулотини ишлаб чиқариш бўйича йиғма ҳисоботларни тузиш тартиби тўғрисида йўриқнома»ни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси раисининг 2007 йил 29 октябрдаги 16-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 6 ноябрда 928-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
- 458. «2-пахта (йиллик, мавсумий) ва 50-тп (мавсумий) пахта хом ашёсини қайта ишлаш бўйича ҳисоботни тўлдириш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси, «Сифат» пахта толасини сертификатлаш марказининг 2007 йил 29 октябрдаги 17, 3/12, 14/2617, 09/1-755-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 6 ноябрда 1081-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*) +
459. «1-(кичик бизнес) шакли бўйича микрофирма ва кичик корхона ҳисоботини тузиш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси раисининг 2007 йил 29 октябрдаги 6-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 6 ноябрда 1119-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
460. «Молиявий натижалар ва ўзаро ҳисоб-китоблар ҳолати тўғрисида ҳисоботни тузиш бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси раисининг 2007 йил 29 октябрдаги 3-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 6 ноябрда 1195-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

461. «Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига бюджетдан ташқари жамғармалар ва «Микрокредитбанк» кредит линиялари ҳисобидан микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқаруви, Молия вазирлигининг 2007 йил 12 октябрдаги 273-В-2, 94-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 8 ноябрда 1548-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
462. «Жиноят содир этишда гумон қилиниб ушлаб турилган шахсларни сақлашнинг санитария-гигиена қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлигининг 2007 йил 8 октябрдаги 12, 16-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 8 ноябрда 1737-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги норматив ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2007 йил 3 ноябрдан 9 ноябргача бўлган маълумот

+

—

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

451 Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд департаментининг суд қарорларини ижро этиш, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўтказилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнида қабул қилинган суд қарорларининг сўзсиз бажарилишини таъминлашга қаратилган суд ижрочилари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Департамент (кейинги ўринларда — Суд департаменти)нинг фаолиятини такомиллаштириш ва жавобгарлигини ошириш бўйича таъсирчан ташкилий-ҳуқуқий механизмлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 31 августдаги 458-сонли қарорини ижро этиш юзасидан суд ижроси тизимини ташкилий ва тузилмавий жиҳатдан ўзгартиш бўйича бир қатор аниқ чора-тадбирлар кўрилди.

Суд департаментининг ташкилий тузилмаси қайта кўриб чиқилди, унинг таркибида ундирувларнинг турлари бўйича: хўжалик судлари; умумий юрисдикция судлари; солиқ, божхона ва бошқа органлар қарорларини ижро этиш бўйича ихтисослаштирилган бўлимлар ташкил этилди. Ички хавфсизлик инспекцияси, статистика ва таҳлил бўлими ташкил этилди, ҳудудий бўлинмалар тузилмасига тегишли ўзгартишлар киритилди.

Кадрлар захирасини шакллантириш бўйича чора-тадбирлар кўрилди, суд ижроси лавозимига номзодларни танлов асосида саралаб олиш тартиби жорий этилди.

Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш марказида суд ижрочиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш курслари ташкил этилди.

Ушбу соҳадаги мутахассисларни тайёрлаш мақсадида олий юридик таълим муассасалари ўқув дастурларига «Ижро иши юритуви» мустақил фани киритилди.

Ошкораликни таъминлаш, суиистеъмолликларнинг олдини олиш мақсадида хатланган автотранспорт воситалари ва кўчмас мулкни биржаларда очик ким-ошди савдолари орқали сотишнинг янги тартиби, ушбу мол-мулк сотувини амалга оширувчи баҳоловчиларни ва савдо ташкилотларини танлов асосида саралаб олиш механизми жорий қилинди.

Бироқ, кўрилатган чора-тадбирларга қарамасдан Адлия вазирлиги ва Суд департаментининг фаолияти суд қарорларини ўз вақтида ва тўлиқ ижро этиш бўйича белгиланган талабларга лозим даражада жавоб бермайди, ишни ташкил этишда жиддий камчиликлар мавжуд, ижро интизоми, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш устидан етарли назорат ўрнатилмаган, коррупция ва таъмагирлик ҳолатларига лозим даражада баҳо берилмаяпти.

Натижада жорий йилнинг 9 ойлик яқунлари бўйича қолдиқ сифатида ижро

ҳужжатларининг умумий суммаси 228,1 млрд. сўмлик 246 минг (19,4%) донани, муддати бузилиб ижро қилинганлари эса — 238,4 дона ёки 24,6%ни ташкил этди.

Ижро ҳужжатлари бўйича маълумотлар базасини ташкил этиш ва юритиш учун мўлжалланган ягона ахборот-компьютер тармоғини ташкил этиш жараёни кечиктирилмоқда, бу эса ушбу соҳадаги ҳисобга олиш ва назорат қилиш самарадорлигида намоён бўлмоқда.

Суд қарорларини ихтиёрий равишда ижро этишдан бўйин товлаган қарздорларни моддий жавобгарликка тортишнинг таъсирчан ҳуқуқий механизмлари мавжуд бўлмаганлиги сабабли ихтиёрий равишда ижро қилиш кўрсаткичлари энг паст даражада бўлиб қолмоқда.

Суд ижрочилари бўлимларини моддий-техника жиҳатидан таъминлаш қониқарсиз даражада бўлиб қолмоқда. Суд департаменти бўлинмаларининг 143 таси ёки 67 фоизи маъмурий бинолари капитал ва жорий таъмирлашга муҳтож, ҳудудий бўлинмаларининг 16 таси ёки 7,5 фоиз маъмурий бинолари эса ижарага олинган биноларда жойлашган. Буларнинг барчаси суд қарорларини мажбурий ижро этиш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Суд қарорларини сўзсиз ижро этишни таъминловчи таъсирчан ташкилий-ҳуқуқий механизмларни яратиш, суд ижрочилари фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш, шунингдек Суд департаментининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 31 августдаги ПҚ-458-сонли қарорида белгилаб қўйилган вазифаларни ижро этиш бўйича ишлари қониқарсиз деб топилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

Олий суд, Олий ҳўжалик суди, Бош прокуратура ва бошқа вазирликлар ва идоралар билан биргаликда мажбурий ижро этиш соҳасидаги ҳуқуқни қўллаш амалиётини танқидий таҳлил қилсин ва икки ойлик муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мажбурий ижро этиш механизмини янада такомиллаштириш, шунингдек суд қарорларини ижро этишдан бўйин товлаш ва тўсқинлик қилганлик учун жавобгарликни кучайтириш бўйича қонун ҳужжати лойиҳасини белгиланган тартибда киритсин;

ижро интизомини мустаҳкамлаш ва таркибий тузилмалар фаолиятини самарали ташкил этиш устидан тизимли таҳлил ва назоратни амалга ошириш вазифаси юклатилган ҳолда Суд департаменти таркибида Ташкилий-назорат ва таҳлил бошқармасини тузсин;

Суд департаменти ходимлари ўртасида ташкилий-кадрлар ишларини тубдан яхшилаш, қонунийлик ва интизомни мустаҳкамлаш, профилактика ишларини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

3. 2007 йил 1 декабрдан суд ижрочилари томонидан суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг мажбурий ижроси бўйича ҳаракатларнинг бажарилиши учун ижро йиғими жорий этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, ижро йиғими қарздордан ихтиёрий ижро этиш муддати тугаганидан кейин қуйидаги миқдорларда ундирилади:

мулкий характердаги ижро ҳужжатлари бўйича — жисмоний шахсдан ундирилаётган сумманинг 1 фоизи миқдорида, юридик шахсдан 2 фоизи миқдорида;

номулкий характердаги ижро ҳужжатлари бўйича — жисмоний шахсдан энг кам иш ҳақининг 5 баравари миқдорида, юридик шахсдан 10 баравари миқдорида.

4. Белгилансинки:

бюджет ташкилотларидан пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкни ундиришни назарда тутувчи ижро ҳужжатлари бўйича;

даврий тўловларни ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари бўйича, шунингдек алимент ундириш ҳақидаги, майиб бўлиш ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етганлиги, шунингдек боқувчининг ўлими натижасида кўрилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги ишлар бўйича ижро йиғими ундирилмайди.

5. Белгилаб қўйилсинки, ижро йиғими маблағлари Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси ҳисобига ўтказилади ва Суд департаментининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, суд ижрочиларини ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий рағбатлантириш, шунингдек суд ижрочилари фаолиятини ва мажбурий ижро этиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича бошқа чора-тадбирларни амалга оширишга йўналтирилади.

6. Қўйидагилар:

ижро йиғимини ундириш ва фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Суд департаментининг моддий-техника жиҳатидан базасини мустаҳкамлаш бўйича 2007—2010 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури 2-иловага мувофиқ;

Суд департаментида ягона ахборот-компьютер тармоғини (ЯАКТ) яратиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар дастури; Суд департаментида ахборотни йиғиш ва қайта ишлашнинг ташкилий-функционал схемаси; Суд департаментида ягона ахборот-компьютер тармоғини яратишга кетадиган прогноз харажатлари 3—5-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки, кўрсатилган дастурларни амалга ошириш Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан амалга оширилади.

7. Суд департаментида ягона ахборот-компьютер тармоғини ташкил этиш учун олиб кириладиган жиҳозлар ва дастурий таъминот божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан 6-иловага мувофиқ озод этилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 7-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И. Абдуллаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 1 ноябрь,
ПҚ-722-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2007 йил 1 ноябрдаги
ПҚ-722-сон қарорига
1-ИЛОВА

Ижро йиғимини ундириш ва фойдаланиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом ижро йиғими маблағларини ундириш, ўтказиш ва фойдаланиш тартибини белгилаб беради.

2. Мазкур Низомда мулкый характерга эга бўлган ижро ҳужжатлари дейилганда қарздор томонидан ундирувчига, давлат фойдасига ёхуд бошқа шахсга муайян пул маблағларини тўлашни назарда тутувчи суд ҳужжатлари ёки бошқа органлар ҳужжатлари тушунилади.

Мулкый характерга эга бўлмаган ижро ҳужжатлари дейилганда қарздорга муайян ҳаракатларни амалга ошириш ёки уларни амалга оширишдан ўзини тийиш мажбуриятини юкловчи суд ҳужжатлари ёки бошқа органлар ҳужжатлари тушунилади.

II. Ижро йиғимини ундириш тартиби

3. Суд ижрочиси томонидан ижро ҳужжатини мажбурий ижро этиш чоралари қўлланилганда қарздордан қуйидаги миқдорларда ижро йиғими ундирилади:

мулкый характерга эга бўлган ижро ҳужжатлари бўйича — жисмоний шахсдан ундирилаётган сумманинг 1 фоизи миқдорида, юридик шахсдан 2 фоизи миқдорида (мажбурий ижро ҳаракатларини амалга ошириш жараёнида мол-мулк ундирувчига топширилган тақдирда — ушбу мол-мулкнинг қийматидан келиб чиққан ҳолда);

мулкый характерга эга бўлмаган ижро ҳужжатлари бўйича — жисмоний шахсдан энг кам иш ҳақининг 5 баравари миқдорида, юридик шахсдан энг кам иш ҳақининг 10 баравари миқдорида.

4. Ижро ҳужжатини ихтиёрий равишда ижро этиш муддати тугаганидан кейинги кунда суд ижрочиси томонидан чиқарилган қарор ижро йиғимини ундириш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикасининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ алоҳида ижро иши юритуви қўзғатилмасдан мажбурий ижро этилиши лозим.

5. Ижро йиғими қарздордан ижро ҳужжатида кўрсатилган ундирув суммасига қўшимча равишда ундирилади. Бунда, ундирув:

мулкый характерга эга бўлган ижро ҳужжатлари бўйича — қарздордан ундирилган пул суммаси ёхуд ундирувчига топширилган, қонунда белгиланган муддатда сотилмаган мол-мулк қийматига мутаносиб равишда;

мулкый характерга эга бўлмаган ижро ҳужжатлари бўйича — мажбурий ижро этиш бўйича чоралар қўллашни бошлаш билан бир вақтда амалга оширилади.

Бир нечта талаблар (ижро ҳужжатлари) бўйича қарздордан ундириладиган ижро йиғимлари Ўзбекистон Республикасининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонунининг 80-моддасида белгиланган тартибда тегишли талабнинг қаноатлантириш навбатига кўра ундирилади. Бунда, мулк-

кий характерга эга бўлмаган ижро ҳужжатлари бўйича қарздордан ундириладиган ижро йиғимлари, шунингдек мулкый характерга эга бўлган ижро ҳужжатлари бўйича қонунда белгиланган муддатда реализация қилинмаган мол-мулкни ундирувчига топшириш ҳолатлари биринчи навбатда қаноатлантириладиган талабларга тенглаштирилади. Мазкур хатбоши билан белгиланган қоидалар қарздорнинг банк ҳисоб-варақларидаги пул маблағларини ҳисобдан чиқариш навбатларини белгилаш вақтида ҳам татбиқ этилади.

6. Ижро йиғими:

бюджет ташкилотларидан пул маблағлари ва бошқа мол-мулкни ундириш. Бунда, ташкилотнинг бюджет ташкилоти деб топилишини тасдиқловчи ҳужжат қарздор томонидан суд ижрочисига тақдим қилинадиган мазкур ташкилотнинг харажатлар сметасини рўйхатга олган тегишли молия органининг хати ҳисобланади;

даврий тўловларни (алимент ундириш ҳақидаги, майиб бўлиш ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етганлиги, шунингдек боқувчининг ўлими натижасида қўрилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги ва бошқа ишлар бўйича) ундириш бўйича.

Ўзбекистон Республикасининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонунининг 52 ва 69-моддаларига мувофиқ ижро йиғими ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган пул суммасидан, шунингдек мол-мулклардан ундирилмайди.

7. Ижро йиғими ундириш тўғрисидаги қарорларнинг ҳисобини юритиш ва уларнинг ундирилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазيري томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

**III. Ижро йиғими маблағларини ўтказиш ва
фойдаланиш тартиби**

8. Ижро йиғимининг ундирилган маблағлари Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма)га ўтказилади.

Кўрсатиб ўтилган маблағларнинг, шунингдек суд ижрочилари томонидан ундириладиган жарималар, мол-мулкни сотиш ёки баҳолаш бўйича ўзининг шартномавий мажбуриятларини бажармаган (лозим даражада бажармаган) биржалар, баҳоловчилар, савдо ташкилотлари, бошқа шахслардан ундириладиган жарималар ва пеняларнинг келиб тушиши ва фойдаланилишини ҳисобга олиш Жамғарманинг бошқа манбаларидан алоҳида юритилади ҳамда қуйидаги мақсадларда ишлатилади:

Суд департаментининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;

устамалар, мартаба даражалари ва қўп йиллик хизмати учун қўшимча тўловлар тўлашга, Суд департаментининг қўшимча ходимларини сақлаб туриш;

Суд департаменти ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий рағбатлантириш;

кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш;

Суд департаментининг ижро иши юритувини ва фаолиятини такомиллаштириш бўйича бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш.

9. Суд департаментининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш қуйидагиларни назарда тутати:

Суд департаменти, унинг ҳудудий бошқармалари ва суд ижрочилари туман (шаҳар) бўлимларининг бино ва хоналарини қуриш, сотиб олиш, капитал ва жорий таъмирлаш;

уларни зарур инвентарлар, жиҳозлар, компьютер техникаси ва бошқа замонавий оргтехника ҳамда транспорт воситалари билан таъминлаш;

техника ва автотранспорт воситаларига хизмат кўрсатиш, уларни таъмирлаш; зарур адабиётлар ва босма нашрлар билан таъминлаш;

Суд департаментида ягона ахборот-компьютер тармоғини барпо этиш, уни модернизациялаш ва фойдаланиш бўйича харажатлар;

Суд департаменти тизимининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича бошқа тадбирлар.

10. Маблағларни сарфлаш Жамғарма Кузатувчи кенгаши томонидан ҳар йили тасдиқланадиган Мақсадли дастурга мувофиқ амалга оширилади.

11. Мақсадли дастурга киритиш учун Жамғарма Кузатувчи кенгашига:

Суд департаменти ҳудудий бошқармалари бошлиқлари томонидан — ҳудудий бошқармалар ва тегишли ҳудуддаги суд ижрочилари бўлимларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш қисмига оид;

Суд департаменти директори томонидан — Суд департаментининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича марказлашган чора-тадбирларни ўтказиш қисмига оид талабномалар берилади.

12. Мақсадли дастурга киритиш учун талабномалар Жамғарма Кузатувчи кенгаши томонидан белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

13. Жамғарма Кузатувчи кенгаши ҳар йили кейинги йилнинг 15 январига қадар келиб тушган талабномаларни кўриб чиқади ва киритилган таклифларни Мақсадли дастурга киритиш (ёки рад этиш) ҳақида қарор қабул қилади.

Талабномаларни кўриб чиқиш ва уларни Мақсадли дастурга киритиш ижро йиғими маблағларининг келиб тушиш прогнози асосида амалга оширилади.

14. Жамғарма Кузатувчи кенгаши ўзининг ҳар чораклик йиғилишларида Мақсадли дастурнинг бажарилишини мониторинг қилиб боради.

Мониторинг натижалари бўйича, шунингдек Суд департаменти ва ҳудудий бошқармаларнинг мурожаатларига мувофиқ Жамғарма Кузатувчи кенгаши тасдиқланган Мақсадли дастурга маблағларнинг мақбул равишда тақсимланишига ва кўзда тутилган тадбирларнинг тўлиқ бажарилишига қаратилган ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эга.

15. Суд департаменти ходимларини моддий рағбатлантириш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

IV. Ижро йиғимини қайтариш тартиби

16. Жамғарма маблағлари ҳисобидан ижро йиғимини қайтариш қўйидаги ҳолларда амалга оширилади:

қарздорнинг аризасига асосан, асос сифатида ижро ҳужжати берилган суд қарори ёки бошқа орган қарорининг ёхуд қонун бўйича ижро ҳужжати ҳисобланадиган бошқа ҳужжатнинг бекор қилиниши;

қарздор ёки ундирувчининг аризасига асосан, асос сифатида ижро ҳужжати берилган суд ҳужжати ёки бошқа орган ҳужжатларининг ўзгартирилиши, агар ушбу ўзгартириш натижасида тўланган ижро йиғими миқдорини қайтадан кўриб чиқиш лозим бўлса;

қарздор ёки ижро йиғими ундирилган бошқа шахснинг аризасига ёхуд суд ижрочисининг ташаббусига асосан, ижро йиғими миқдорини нотўғри ёки ортиқча ўтказилганлиги;

суд ҳужжатларига асосан қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда;

Ижро йиғимини қайтариш ҳақидаги ариза ушбу бандда кўрсатилган ҳолатлар юзага келганидан кейин уч йилдан кечиктирмасдан берилади.

17. Ундирилган ижро йиғими миқдорини қайтариш учун ижро йиғимини тўлаган шахс мажбурий ижро ҳаракати ким томонидан амалга оширилганидан келиб чиқиб, Суд департаментининг марказий аппаратиға ёки тегишли ҳудудий бошқармага ариза билан мурожаат қилади.

Аризаға қуйидагилар илова қилинади:

суд қарори ёки бошқа орган қарорини бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақидаги ҳужжатнинг тасдиқланган нусхаси — ижро йиғими мазкур Низом 16-бандининг иккинчи ва учинчи хатбошиларида назарда тутилган асослар бўйича қайтарилганда;

ижро йиғими миқдори нотўғри ёки ортиқча ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳисобкитоб ҳужжати ёки бошқа ҳужжат — ижро йиғими мазкур Низом 16-бандининг тўртинчи хатбошисида назарда тутилган асос бўйича қайтарилганда;

суднинг қонуний кучға кирган қарорининг тасдиқланган нусхаси — ижро йиғими мазкур Низомнинг 16-банди бешинчи хатбошисида назарда тутилган асослар бўйича қайтарилганда.

18. Ижро йиғимини қайтариш тўғрисидаги ариза Суд департаментининг тегишли ҳудудий бошқармаси ёки марказий аппарати томонидан кўриб чиқилади ва ариза берилган кундан эътиборан беш кунлик муддат ичида ижро йиғимини қайтариш ёки қайтаришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади, қабул қилинган қарор ҳақида ариза берувчини ёзма равишда хабардор қилади.

Ижро йиғимини қайтариш тўғрисидаги қарор қабул қилинганидан бошлаб узоғи билан икки кун ичида қайтариш учун Жамғарманинг Ижро этувчи дирекциясига юборилади. Ижро йиғимини қайтариш Ижро этувчи дирекция томонидан қарор олинган кундан бошлаб беш банк куни давомида амалга оширилади.

19. Ижро йиғимини қайтариш ёки қайтаришни рад этиш тўғрисида қарор устидан белгиланган тартибда судға мурожаат қилиш мумкин.

V. Ижро йиғими маблағларини ҳисобға олиш ва назорат қилиш

20. Ижро йиғими маблағларининг келиб тушиши ва сарфланишини ҳисобға олиш Жамғарма учун белгилаб қўйилган тартибда Жамғарманинг Ижро этувчи дирекцияси томонидан олиб борилади.

21. Ижро йиғими маблағларидан мақсадли фойдаланишни назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси томонидан амалга оширилади.

+

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2007 йил 1 ноябрдаги
ПҚ-722-сон қарорига
2-ИЛОВА

45 (285)-сон

— II —

451-модда

**Суд департаментининг моддий техника базасини мустаҳкамлаш бўйича
2007—2010 йилларда амалга ошириладиган тадбирлар дастури**

Т/р	Тадбирнинг номи	Харажатларнинг ҳисоб суммаси (млн. сўм)	Ажратиладиган маблағни ўзлаштириш ҳажми ва муддати	Масъул ижрочилар
1.	Суд департаментининг ҳудудий бўлинмалари учун хоналар ёки алоҳида бинолар ажратиш ва сотиб олиш, капитал таъмирлаш ишларини ўтказиш	5256,0	2008 й. — 516,2 млн. сўм 2009 й. — 2369,9 млн. сўм 2010 й. — 2369,9 млн. сўм	Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар кенгаши, вилоятлар, туман ва шаҳар ҳокимликлари, Адлия вазирлиги, Суд департаменти
2.	Суд департаментининг марказий аппарати учун бино сотиб олиш	800,0	2007 йил якунига қадар	Суд департаменти
3.	Суд департаментида ягона ахборот-компьютер тармоғини яратиш	2660	2008 йил якунига қадар	Адлия вазирлиги, Суд департаменти, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги
4.	Суд департаментининг ҳудудий бўлинмаларини мебель жиҳозлари (столлар, стуллар, шкафлар, сейфлар) билан таъминлаш	562,0	2007 йил IV чорак	Суд департаменти ва унинг ҳудудий бошқармалари
5.	Суд департаментининг ҳудудий бўлинмаларини оргтехника (шахсий компьютерлар, факслар, нусха кўчирувчи машиналар, телефон аппаратлар) билан таъминлаш	1549,2	2008 й. — 774,6 млн. сўм 2009 й. — 774,6 млн. сўм	Суд департаменти ва унинг ҳудудий бошқармалари
6.	Суд департаментининг ҳудудий бўлинмалари учун автотранспорт сотиб олиш	1773,6	2008 й. — 1000,0 млн. сўм 2009 й. — 773,6 млн. сўм	Суд департаменти ва унинг ҳудудий бошқармалари
	Жами маблағлар	12600,8		


Изоҳ: харажат миқдори ҳисоб-китоб бўйичадир ва бозор конъюктураси ҳамда ҳақиқий харажатларга қараб ўзгариши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2007 йил 1 ноябрдаги
ПҚ-722-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Суд департаментида ягона ахборот-компьютер тизимини
яратиш бўйича ташкилий чоралар дастури**

Т/р	Тадбирнинг номи	Амалга оширишнинг шакли ва механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
1.	ЯАКТ Концепциясини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш	Концепция	2007 йил ноябрь	Адлия вазирлиги
2.	ЯАКТ лойиҳалаштириш учун техник топшириқни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш	Лойиҳалаштириш учун топшириқ	2007 йил ноябрь	Адлия вазирлиги, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги
3.	ЯАКТ яратишнинг дастлабки техник-иқтисодий ҳисобини (ТИҲ) ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш	Дастлабки ТИҲ	2008 йил январь-февраль	Адлия вазирлиги, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги
4.	Асбоб-ускуналарни етказиб берувчиларни ва ишларни бажарувчиларни аниқлаш	Тендерга тайёр-гарлик кўриш ва ўтказиш, тендер комиссияси баённомасини расмийлаштириш	2008 йил январь-февраль	Адлия вазирлиги, тендер комиссияси
		Шартномалар тузиш ва уларни тегишли тартибда рўйхатдан ўтказиш	2008 йил март	Адлия вазирлиги, тендер ғолиби
5.	ЯАКТ яратишнинг техник-иқтисодий ҳисоб-китобини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш	ТИҲ	2008 йил март-май	Адлия вазирлиги, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, тендер ғолиби
6.	Асбоб-ускуналарни етказиш ва ишларни бажариш	Режа-жадвал	2008 йил март-сентябрь	Тендер ғолиби
7.	Суд департаментининг ижро иш юритuvi бўйича маълумотларни тайёрлаш ва юбориш учун ишлатиладиган шифрлаш калитлари ва электрон-рақамли имзолар сертификатларини тайёрлаш ва таъминлаш	Режа-жадвал	2008 йил май-июнь	Адлия вазирлиги, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги
8.	Фойдаланувчиларни ўқитиш	Режа-жадвал	2008 йил сентябрь-ноябрь	Адлия вазирлиги, тендер ғолиби
9.	Тажрибали фойдаланиш (тестдан ўтказиш)		2008 йил октябрь-ноябрь	Адлия вазирлиги, тендер ғолиби
10.	ЯАКТни фойдаланишга киритиш		2009 йил январь-февраль	Адлия вазирлиги, тендер ғолиби
11.	Дастур ва аппарат таъминотини кузатиш		2010 йил якунига қадар	Адлия вазирлиги, тендер ғолиби

Суд департаментида ахборотни йиғиш ва ишлаш бўйича ташкилий-функционал схемаси



Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2007 йил 1 ноябрдаги
ПҚ-722-сон қарорига
5-ИЛОВА

Суд департаментининг ягона ахборот-компьютер тармоғини яратиш бўйича харажатлар прогнози*

Бир маротабалик харажатлар

минг сўм

Т/р	Номи	Баҳоси
1.	Сервер ускуналари: — Асосий сервер ва захира сервер (жами 2 комплект) — Операция тизимининг дастур таъминоти ва СУБД	493 040,00
2.	Тизимнинг ишлаши учун дастур маҳсулотлари: — IBM WebSphere Application Server Network Deployment Processor License, 4 та лицензия — BM WebSphere Application Server Network Deployment Processor License SW Maintenance Renewal, 8 та лицензия	184 890,00
3.	Ишчилар ўрни учун ускуналар: — Шахсий компьютерлар (минимал конфигурация билан: Celeron 2.93, 1915, RAM 512, HDD 80Gb, CRT 17», CD ROM), 700 дона — Принтер – кўп функцияли қурилма, 700 дона — Узлуксиз таъминот манбаи, 700 дона	736 624,0
4.	Энергия таъминоти: — ИБП (60 KVA) — Дизель-генератор	359 919,2
5.	ЯАКТ амалий дастур таъминотини ишлаб чиқиш (ПО IBM WebSphere асосида)	295 824,0
6.	Телекоммуникация ва алоқа воситаларига бир маротабалик тўлов ҳисобида 984,8 минг сўм (бир бино учун 1 та уланиш, жами 214 бино)	209 809,5
7.	ЛВСни монтаж қилиш (бир бинога ўртача 7 та ЛВС жой ҳисобида, жами 214 бино)	279 900,0
8.	Электрон идентификатор ruToken (USB-калит) сони 1270 дона 49,3 минг сўмдан	62 616,0
	Жами	2 622 622,7

Даврий харажатлар

Т/р	Номи	Бир йиллик баҳоси
1.	Сервер ускуналарини техник қўллаш	3 йил давомида талаб қилмайди
2.	Дастур маҳсулотларини лицензиялаш	1 йил давомида талаб қилмайди
3.	Ҳисоблаш техникасига техник хизмат кўрсатиш	1 йил давомида талаб қилмайди
4.	Дизель-генераторларига техник хизмат кўрсатиш	1 йил давомида талаб қилмайди
5.	Амалий дастур таъминотини ахборот кузатуви	1 йил давомида талаб қилмайди
6.	Алоқа каналларидан фойдаланганлик учун ижара тўлови	37 323,1
	ЖАМИ тизимнинг биринчи йилда ишлатилгани учун	37 323,1

* Ҳисоблар лойиҳаолди ўрганишлар асосида тузилган. Харажатларга ЯАКТни яратиш ишларини амалга ошириш бўйича ўтказиладиган тендер якунлари бўйича аниқлик киритилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2007 йил 1 ноябрдаги
ПҚ-722-сон қарорига
6-ИЛОВА

**Суд департаментининг ягона ахборот-компьютер
тармоғини ташкил этиш учун олиб кириладиган жиҳозлар
ва дастурий таъминот рўйхати***

Т/р	Жиҳоз номи
1.	Сервер жиҳози: — Асосий сервер ва захира сервер (жами 2 комплект) — Операция тизимининг дастурий таъминоти ва СУБД
2.	Тизимнинг фаолият олиб бориши учун зарур дастурлар: — IBM WebSphere Application Server Network Deployment Processor License, 4 дона лицензия — IBM WebSphere Application Server Network Deployment Processor License SW Maintenance Renewal, 8 дона лицензия
3.	Иш ўринлари учун жиҳозлар: — Шахсий компьютерлар (энг оддий конфигурацияси бўйича: Celeron 2.93, I915, RAM 512, HDD 80 Gb, CRT 17, CD ROM), 700 дона миқдорида — Принтер — Кўп функцияли қурилма, 700 дона миқдорида — Узлуксиз ишловчи манба, 700 дона миқдорида
4.	Энергия таъминоти: — ИБП (60KVA) — Дизель-генератор
5.	Телекоммуникация ва алоқа воситалари (214 комплект миқдорида)
6.	ЛВСни монтаж қилиш учун асбоб-ускуналар ва материаллар (бир бинода ўртача 7 жойда ЛВС жойлаштиришни ҳисобга олган ҳолда, жами бўлиб 214 бино учун)
7.	Электрон идентификаторлар (USB-калитлар) — 1270 комплект миқдорида

* Жиҳозлар ва дастурий таъминот рўйхати, шунингдек уларнинг алоҳида хусусиятлари Суд департаментининг ЯАКТни яратиш бўйича тендер натижалари бўйича аниқланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2007 йил 1 ноябрдаги
ПҚ-722-сон қарорига
7-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон
Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 18 мартдаги 147-сон «Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорнинг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 3-сон, 26-модда):

а) иккинчи банд қуйидаги таҳрирда баён қилинган саккизинчи—ўнинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«суд ижрочилари томонидан ундириладиган ижро йиғимлари маблағлари:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 августдаги ПҚ-458-сон қарори билан тасдиқланган Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёнида автомототранспорт воситалари ва кўчмас мулкни сотиш тартиби

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

тўғрисидаги низомнинг 37-бандида назарда тутилган ҳолларда суд ижрочилари туман (шаҳар) бўлимларининг депозит ҳисобига ўтказиладиган очик аукционда иштирок этиш учун киритилган закатлар;

мол-мулкни сотиш ёки баҳолаш бўйича ўзининг шартномавий мажбуриятларини бажармаган (лозим даражада бажармаган) биржалар, баҳоловчилар, савдо ташкилотлари, бошқа шахслардан ундириладиган жарималар ва пенялар»;

б) қарорнинг 1-илоvasи 2-банди қуйидаги тахрирда баён қилинган саккизинчи—ўнинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«суд ижрочилари томонидан ундириладиган ижро йиғимлари маблағлари:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 августдаги ПҚ-458-сон қарори билан тасдиқланган Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёнида автотранспорт воситалари ва кўчмас мулкни сотиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 37-бандида назарда тутилган ҳолларда суд ижрочилари туман (шаҳар) бўлимларининг депозит ҳисобига ўтказиладиган очик аукционда иштирок этиш учун киритилган закатлар;

мол-мулкни сотиш ёки баҳолаш бўйича ўзининг шартномавий мажбуриятларини бажармаган (лозим даражада бажармаган) биржалар, баҳоловчилар, савдо ташкилотлари, бошқа шахслардан ундириладиган жарималар ва пенялар»;

в) қарорнинг 1-илоvasи 4-банди қуйидаги тахрирда баён қилинган хатбоши билан тўлдирилсин:

«Жамғармага келиб тушган ижро йиғимлари, суд ижрочилари томонидан ундирилган жарима суммалари, шунингдек биржалар, баҳоловчилар, савдо ташкилотлари ва ўзга шахслар томонидан мол-мулкни баҳолаш ёки сотишда зиммасига олинган шартнома мажбуриятларни бажармаганлик (лозим даражада бажармаганлик) учун жарима ва пенялар Суд департаментининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, суд ижрочиларини моддий рағбатлантириш, шунингдек суд ижрочилари фаолиятини ва мажбурий ижро этиш тизимини такомиллаштириш бўйича бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш учун ишлатилади».

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 25 октябрдаги 499-сон «Вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига ажратмаларни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига 2-илоvанинг 5-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 10-сон, 100-модда) қуйидаги тахрирда баён этилсин:

Т/р	Вазирликлар ва идораларнинг номи	Шакллантириш манбаи	Ажратмалар миқдори (фоизларда)
5.	Адлия муассасалари ва судларни ривожлантириш жамғармаси (Адлия вазирлиги, Олий суд, Олий хўжалик суди, Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти)	Умумий юрисдикция судлари томонидан кўриладиган ишлар бўйича жарималар ва давлат божлари суммаси	20
		Хўжалик судлари томонидан кўриладиган ишлар бўйича жарималар ва давлат божлари суммаси	15
		Адлия органлари ва ФХДБ бўлимлари томонидан ундириладиган давлат божлари суммаси	20
		Нотариуслар томонидан ундириладиган давлат божлари суммаси	15
		Нодавлат нотижорат ташкилотлари, адвокатлик бюrolари, фирмалари, ҳайъатлари, хусусий нотариал идоралар рўйхатдан ўтказилганлиги, нотариал ва адвокатлик фаолияти лицензияланганлиги, юридик кадрлар малака аттестациясидан ўтказилганлиги учун адлия органлари томонидан ундириладиган маблағлар ҳамда адлия органлари томонидан ундириладиган жарималар	100
		Ижро этиш бўйича бюджетга ундирилган суммалар бундан, бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича муддати ўтказиб юборилган қарзлар ундирилиши мустасно	30

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

Т/р	Вазирликлар ва идораларнинг номи	Шакллантириш манбаи	Ажратмалар миқдори (фоизларда)
		Вакolatли органлар томонидан олиб қўйилган ва давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни сотишдан тушган, шунингдек солиқлар ва бюджетга ҳамда бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий тўловлар бўйича муддатида тўланмаган қарзларни ундириш бўйича маблағлар	10
		суд ижрочилари томонидан ундириладиган ижро йигимлари маблағлари;	100
		Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 августдаги ПҚ-458-сон қарори билан тасдиқланган Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёнида автотранспорт воситалари ва қўчмас мулкни сотиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 37-бандида назарда тутилган ҳолларда суд ижрочилари туман (шаҳар) бўлимларининг депозит ҳисобига ўтказиладиган очиқ аукционда иштирок этиш учун киритилган закатлар;	100
		мол-мулкни сотиш ёки баҳолаш бўйича ўзининг шартномавий мажбуриятларини бажармаган (лозим даражада бажармаган) биржалар, баҳоловчилар, савдо ташкилотлари, бошқа шахслардан ундириладиган жарималар ва пенялар	100

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 августдаги ПҚ-458-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 2-илоvasи (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 36-сон, 360-модда) мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларга иловага мувофиқ таҳрирда баён этилсин.


Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга ИЛОВА

451-модда

— 18 —

45 (285)-сон

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаментининг ташкилий-штат тузилмаси



Изоҳ: 1270 нафар бошқарув ходимлари давлат бюджети ҳисобидан сақлаб турилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

452 Сув хўжалиги ташкилотлари истеъмол қиладиган электр энергия учун тўловлар механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг сув хўжалиги ташкилотлари истеъмол қиладиган электр энергия учун тўловларнинг асосланганлиги, тўлиқлиги ва ўз вақтида тўланиши устидан назоратни кучайтириш мақсадида:

1. 2008 йилнинг 1 январидан қуйидаги тартиб ўрнатилсин, унга мувофиқ:

давлат бюджетининг Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги учун назарда тутиладиган харажатларида сув хўжалиги ташкилотлари истеъмол қиладиган электр энергия тўловлари учун алоҳида сатр билан маблағ ажратилади;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигида ва унинг ҳудудий бўлинмаларида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ҳудудий сув хўжалиги ташкилотлари учун шахсий ҳисобварақлар очилади;

ҳудудий сув хўжалиги ташкилотларининг харажатлар сметаси Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланганидан ҳамда Молия вазирлигида белгиланган тартибда рўйхатга олинганидан сўнг, Молия вазирлиги Фазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг ягона маълумотлар базасида қайд этилади;

сув хўжалиги ташкилоти билан энергия таъминоти ташкилоти ўртасида рўйхатга олинган харажатлар сметаси доирасида тузилган шартномалар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигининг ҳудудий бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилиши шарт;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг сув хўжалиги ташкилотлари истеъмол қиладиган электр энергия учун тўловлар уларнинг шахсий ҳисобварақларидан Молия вазирлиги Фазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари орқали «Ўзбекэнерго» ДАКнинг махсус банк ҳисобварағига ўтказилади;

Фазначиликнинг ҳудудий бўлинмалари ҳисоблагич асбоблар кўрсаткичлари билан тасдиқланган электр энергиясини истеъмол қилишнинг физик ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар билан сув хўжалиги ташкилоти ва энергия таъминоти ташкилоти ўртасида рўйхатга олинган шартномалар, ҳисобварақ-фактуралар, шунингдек ўзаро ҳисоб-китобларни қиёслаб текшириш ҳужжатлари асосида истеъмол қилинган электр энергия тўловларини амалга эшириш учун электрон тўлов ҳужжатларини шакллантиради.

Бунда қиёслаб текшириш ҳужжатлари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ҳудудий сув хўжалиги тузилмалари ҳамда Молия вазирлиги Фазначилиги бошқармаларининг биринчи раҳбарлари томонидан биргаликда тасдиқланади.

2. Белгилансинки, қуйидагилар:

сув хўжалиги ташкилотлари томонидан даврлар бўйича электр энергиясини истеъмол қилишнинг физик ҳажмлари тўғри аниқланиши ва улардан мақсадли, аниқ фойдаланилиши устидан — сув хўжалиги ташкилотлари идоравий мансуб бўлган тегишли минтақавий тузилмалар томонидан;

истеъмол қилинган электр энергия учун тўланадиган сумманинг асослилиги устидан — Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги Молия вазирлиги Фазначилиги бошқармалари томонидан тизимли назорат амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги «Ўзбекэнерго» ДАК билан биргаликда икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг сув хўжалиги ташкилотлари истеъмол қиладиган электр энергия учун тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни илова* қилинган схема асосида белгиланган тартибда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси зиммасига Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг сув хўжалиги ташкилотлари истеъмол қиладиган электр энергия учун тўланган суммаларнинг асослигини мунтазам равишда ёппасига ва танлаб текширишларни ўтказиш вазифаси юклансин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 5 ноябрь,
ПҚ-723-сон

—

+

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

453 Ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида

Фермер хўжаликларини барқарор ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликларга самарали ва амалий давлат мададини кўрсатиш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2008 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетида ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун мақсадли маблағлар ажратиш назарда тутилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳасини шакллантиришда мазкур мақсадларга ер солиғи бўйича тушумлар ҳисобидан маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Молия вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда қуйидагиларни назар-

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

да тутган ҳолда ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун кишлок хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш тўғрисида низом ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

ҳосилдорлиги паст бўлган ерларни белгилашнинг аниқ мезонлари ва механизми;

ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун кишлок хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш тартиби;

ажратиладиган маблағлардан мақсадли фойдаланиш устидан амалий назорат тизими.

3. 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб фермер хўжаликларига кишлок хўжалиги техникасини имтиёзли асосда лизингга бериш муддати 7 йилдан 10 йилгача узайтирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар, идоралар, тижорат банклари билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 5 ноябрь,
ПҚ-725-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

454 Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Қайд этиб ўтилсинки, мустақиллик йиллари мобайнида банк тизимини изчил ва аниқ мақсад йўлида ислоҳ қилиш банкларнинг мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришдаги ролини кучайтиришга, уларнинг капиталлашув даражасини оширишга, иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаш қўламларини кенгайтиришга ҳамда кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини яхшилашга имконият яратди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш ҳажмлари ошиб бормоқда, аҳолига, шу жумладан ёш оилаларга ипотека ва истеъмол кредитлари бериш миқёслари тобора кенгаймоқда.

Ҳозирги вақтда тижорат банклари активлари ва жами капиталининг ҳажмлари 2000 йилга нисбатан тегишли равишда 7,6 ва 7,4 баравар кўпайди. Аҳолининг омонат қўйилмалари ҳажми 38 баравар, банк кассаларига нақд пул маблағларининг

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

тушумлари — 8,1 баравар, иқтисодийнинг реал секторига кредит қўйилмалари — 5 баравар кўпайди.

Шу билан бирга, тижорат банклари ҳамон самарали инвестиция марказларига айлангани йўқ, корхоналарни модернизация қилиш ва технологик қайта жиҳозлашда ўз капитали билан суғат қатнашмоқда. Банкларнинг капиталлашув даражасини кескин ошириш, банк тизими барқарорлиги, ишончли пул муомаласи, банклар томонидан нақд маблағлар тўсиқсиз ва тўлиқ берилиши кафолатларини яратиш вазифалари долзарблигича қолмоқда.

Марказий банк ва тижорат банклари, солиқ органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари томонидан банкдан ташқари айланмани қисқартириш ҳамда нақд пулларни банк кассаларига жалб этиш борасида амалга оширилаётган ишлар етарли даражада эмас.

Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш, тижорат банкларининг рақобатдошлиги, молиявий барқарорлиги ва инвестициявий фаоллигини кучайтириш, банкдан ташқари айланмани камайитириш, жумладан озик-овқат (деҳқон) бозорларидаги нақд пулларни банк айланмасига жалб этиш ҳамда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар қўламини кенгайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Иқтисодий вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси Ўзбекистон Банклари уюшмаси ва тижорат банклари билан биргаликда ишлаб чиқилган:

2007—2010 йилларда Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва ривожлантириш дастури 1-иловага* мувофиқ;

Бўш пул маблағларини банк айланмасига янада жалб қилиш ва нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажмининг ўсишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар комплекси 2-иловага* мувофиқ маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Давлат солиқ қўмитаси, тегишли вазирлик ва идоралар, тижорат банклари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига ушбу қарорнинг 1 ва 2-иловаларида назарда тутилган чора-тадбирлар белгиланган муддатларда сифатли ва тўлиқ бажарилишини таъминлаш учун шахсий жавобгарлик юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси банк тизимини ислоҳ қилиш-ни янада чуқурлаштириш бўйича ушбу чора-тадбирларнинг бажарилишини ҳар чоракда ўз мажлисларида кўриб бурсин.

2. 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб янги ташкил этилаётган банклар устав капиталининг энг кам миқдорини белгилаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банкларининг қуйидаги таклифлари қабул қилинсин:

тижорат банклари учун — сўм эквивалентида 5 млн. евро миқдорида;

хусусий банклар учун — сўм эквивалентида 2,5 млн. евро миқдорида.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банклари билан биргаликда 2008 йил мобайнида тижорат ва хусусий банкларнинг устав капиталларини кўрсатиб ўтилган талабларга мувофиқлаштириш тадбирларини ўз вақтида ишлаб чиқиш ҳамда белгиланган тартибда амалга оширишни таъминласин.

3. Белгилаб қўйилсинки, банк фаолиятини амалга ошириш лицензиясига эга бўлган тижорат банклари қимматли қўғозлар бозорида инвестиция воситачиси, инвестиция активларини бошқарувчи ва инвестиция маслаҳатчиси сифатида профессионал фаолиятни амалга оширишга ҳақлидир. Бунда тижорат банклари томонидан мазкур фаолият турларини амалга оширишга алоҳида лицензия олиш талаб қилинмайди.

* Иловалар рус тилидаги матнда берилган.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва суғурта компанияларига бир ой муддатда қуйидагилар бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тавсия этилсин:

банк муассасалари, шу жумладан мини-банклар, махсус кассалар, валюта айирбошлаш шохобчалари тармоқларини озиқ-овқат (деҳқон) бозорлари ҳудудларида жойлаштирган ҳолда кенгайтириш ҳамда дам олиш ва байрам кунларида белгиланган тартибда ишлашини мажбурий таъминлаш;

озиқ-овқат (деҳқон) бозорларида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари ва жисмоний шахсларнинг пул маблағларини жамғарма ҳамда муддатли депозитларга, шу жумладан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишдан тушадиган бўш пул маблағларни омонатчиларга маблағ сақланадиган ҳар бир куни учун фоизли даромад қўшган ҳолда вақтинча сақлашга жалб этиш;

деҳқон хўжаликлари, савдо-харид фирмалари ва бошқа кичик бизнес ҳамда тадбиркорлик субъектларига кредитлар бериш ва микромолия, шунингдек озиқ-овқат (деҳқон) бозорларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш, сақлаш ва сотиш билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурталаш бўйича хизмат кўрса-тиш.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки ва тижорат банклари бир ой муддатда ҳудудлар доирасида ҳар бир тушум манбалари бўйича пул оқимининг ўзгариши, шунингдек хўжалик юритувчи субъектларнинг нақд пул тушумини тўлиқ топширгани ва топширишдан бўйин товлагани тўғрисидаги маълумотлар ўз аксини топиши таъминланган тезкор ахборотни кундалик айирбошлашнинг умумреспублика ягона электрон тармоғини жорий этсин.

6. Қуйидагилар 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб 3 йил муддатга:

юридик шахсларнинг тижорат банкларининг депозитларига ва қарз қимматли қоғозларига 1 йилдан ортиқ муддатга жойлаштиришдан олинган фоизли даромадлари солиқ солишдан;

Республика инкассация бирлашмаси — бўшайдиган маблағларни инкассация хизматининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга мақсадли йўналтириш шарти билан қўшилган қиймат солиғи ва мулк солиғи тўлашдан озод этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ҳамда идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Раиси Ф.М. Муллажонов зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 7 ноябрь,
ПҚ-726-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

**455 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил
23 октябрдаги ПФ–3931-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар,
стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш
тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш
тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
6 ноябрда 1736-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 16 ноябрдан кучга киради)

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 октябрдаги ПФ–3931-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида **қарор қиламиз:** +

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 октябрдаги ПФ–3931-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. 2007 йил 16 ноябрдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2007 йил 19 июлдаги М-37 ва 74-сонли қарори, «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 июлдаги ПФ–3889-сонли «2007 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома» (2007 йил 23 июль, рўйхат рақами 1699 — Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 29-30-сон, 314-модда);

Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2007 йил 26 октябрдаги М-42 ва 97-сонли қарори, «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 июлдаги ПФ–3889-сонли «2007 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиш киритиш ҳақида (2007 йил 29 октябрь, рўйхат рақами 1699-1).

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб ўн кундан кейин кучга киритилсин.

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири в.б.**

А. ҲАИТОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 5 ноябрь,
М-43-сон

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 5 ноябрь,
99-сон

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза
қилиш вазирлиги, Молия вазирлигининг
2007 йил 5 ноябрдаги М-43, 99-сонли
қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил
23 октябрдаги ПФ–3931-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар,
стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш
тўғрисида»ги Фармони асосида пенсияларни қайта
ҳисоблаш тартиби тўғрисида
ЙЎРИҚНОМА**

Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 октябрдаги ПФ–3931-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармонининг 4-бандига биноан пенсия ва ижтимоий нафақаларни қайта ҳисоблаш тартибини белгилайди.

1. Кўрсатиб ўтилган Фармонга мувофиқ 2007 йилнинг 16 ноябрдан қуйидагиларнинг энг кам миқдорлари белгиланади:

- а) энг кам иш ҳақи — ойига 18630 сўм;
- б) ёшга доир пенсиялар — ойига 36900 сўм;
- в) болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 36900 сўм;
- г) зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа — ойига 22350 сўм.

2. Пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун энг кам иш ҳақининг саккиз бараваридан ортиқ бўлмаган ўртача ойлик иш ҳақи инобатга олинади ($18630 \text{ сўм} \times 8 = 149040 \text{ сўм}$).

3. Пенсия қайта ҳисобланадиган ўртача ойлик иш ҳақини тенглаштириш учун, иловага мувофиқ йиллар бўйича дифференцияланган янги тузатувчи коэффициентлар ўрнатилади.

4. Пенсиянинг иш ҳақлари тўғрисида маълумотлар бўлмаган ёки ўртача бир ойлик иш ҳақининг тузатувчи коэффициент қўлланилгандан кейинги янги миқдори

белгиланган энг кам иш ҳақи миқдори (18630 сўм)га етмаса, пенсияни қайта ҳисоблаш қуйидагича амалга оширилади:

ёшга доир пенсиялар, I ва II-гурӯх ногиронлик пенсиялари, шунингдек, чин етимларга боқувчисини йўқотганлик пенсиялари учун таянч миқдорлар ойига 36900 сўм, III-гурӯх ногиронлик ва боқувчиларидан бирини йўқотган оилаларга боқувчисини йўқотганлик пенсиялари учун оиланинг меҳнатга лаёқатсиз ҳар бир аъзоси учун 18450 сўм миқдорида белгиланади;

талаб этиладиганидан ортиқча иш стажи учун пенсиялар миқдорини ошириш янги энг кам иш ҳақидан келиб чиқиб белгиланади (тўлиқ пенсия тайинлашда талаб этиладиганидан ортиқча иш стажининг ҳар бир тўлиқ йили учун ёшга доир ҳамда I ва II-гурӯх ногиронлик пенсиялари учун 1 фоиз, III-гурӯх ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик пенсиялари учун 0,5 фоиз).

5. Янги ўртача ойлик иш ҳақининг миқдори 18630 сўмдан 67090 сўм 91 тийингача (III-гурӯх ногиронлик пенсияси ва боқувчисини йўқотганлик пенсияси учун 61500 сўм) бўлган миқдорни ташкил этган ҳолларда пенсияларни қайта ҳисоблаш қуйидагича амалга оширилади:

ёшга доир пенсиялари, I ва II-гурӯх ногиронлик пенсиялари, шунингдек, чин етимларга боқувчисини йўқотганлик пенсиялари учун пенсиянинг таянч миқдори ойига 36900 сўм миқдорда, III-гурӯх ногиронлик пенсиялари ва боқувчиларидан бирини йўқотган оилаларга боқувчисини йўқотганлик пенсиялари учун оиланинг меҳнатга лаёқатсиз ҳар бир аъзоси учун 18450 сўм миқдорида белгиланади;

талаб этиладиганидан ортиқча иш стажи учун пенсиялар миқдорини ошириш янги ўртача ойлик иш ҳақидан келиб чиқиб белгиланади (тўлиқ пенсия тайинлашда талаб этиладиганидан ортиқча иш стажининг ҳар бир тўлиқ йили учун ёшга доир пенсиялар ҳамда I ва II-гурӯх ногиронлик пенсиялари учун 1 фоиз, III-гурӯх ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик пенсиялари учун 0,5 фоиз).

6. Пензионерлар бошқа тоифаларининг пенсияларини қайта ҳисоблаш қуйидагича амалга оширилади:

янги ўртача ойлик иш ҳақи миқдори энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг саккиз ҳиссаси билан чегараланади (149040 сўм);

олинган ўртача ойлик иш ҳақи, иш стажига боғлиқ равишда пенсияларни ҳисоблаш учун қабул қилинган фоизларга кўпайтирилади.

7. Барча ҳолларда пенсияларга устама энг кам ойлик иш ҳақидан (18630 сўм) келиб чиқиб аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2007 йил 23 октябрдаги ПФ-3931-сонли
«Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва
ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш
тўғрисида»ги Фармони асосида пенсиялар-
ни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисида
йўриқномага
ИЛОВА

**Пенсияларни қайта ҳисоблашда ўртача ойлик
иш ҳақини тенглаштириш учун қўлланиладиган
тузатувчи коэффициентлар**

Даврлар	Коэфф.	Даврлар	Коэфф.
1971 йил йилга қадар	776,7870	1994 йил 1 январдан	0,9630
1971 йил	757,0230	1994 йил 1 мартдан	0,5776
1972 йил	738,2190	1994 йил 1 июндан	0,3856
1973 йил	714,6060	1994 йил 1 июлдан	381,6886
1974 йил	666,6690	1994 йил 1 августдан	312,8970
1975 йил	652,0396	1994 йил сентябрдан	272,0190
1976 йил	638,0490	1994 йил 1 ноябрдан	211,0590
1977 йил	620,3400	1995 йил 1 январдан	211,0590
1978 йил	599,4826	1995 йил 1 мартдан	106,8436
1979 йил	587,6760	1995 йил 1 сентябрдан	82,2676
1980 йил	572,5966	1996 йил 1 январдан	82,2676
1981 йил	561,8160	1996 йил 1 апрелдан	61,1550
1982 йил	561,7516	1996 йил 1 сентябрдан	42,6750
1983 йил	551,4196	1997 йил 1 январдан	42,6750
1984 йил	551,3566	1997 йил 1 июлдан	29,7120
1985 йил	544,6816	1998 йил 1 январдан	29,7120
1986 йил	538,1370	1998 йил 1 июлдан	21,6270
1987 йил	525,4306	1999 йил 1 январдан	17,7120
1988 йил	490,8420	1999 йил 1 августдан	13,7970
1989 йил	460,4250	2000 йил 1 августдан	8,9850
1990 йил	415,5060	2001 йил 1 августдан	6,4186
1991 йил	286,7146	2002 йил 1 апрелдан	5,5816
1992 йил 1 январдан	84,7710	2002 йил 1 августдан	4,8526
1992 йил 1 июлдан	39,6570	2003 йил 1 майдан	4,0440
1992 йил 1 октябрдан	19,0606	2004 йил 1 августдан	3,1110
1993 йил 1 январдан	14,0550	2005 йил 1 майдан	2,5920
1993 йил 1 апрелдан	10,0770	2005 йил 1 октябрдан	2,1600
1993 йил 1 июндан	4,3006	2006 йил 1 июлдан	1,8000
1993 йил 1 июлдан	2,7616	2006 йил 1 ноябрдан	1,5000
1993 йил 1 сентябрдан	2,1180	2007 йил 1 августдан	1,2000
1993 йил 1 ноябрдан	1,2856	2007 йил 1 ноябрдан	1,1000
		2007 йил 1 декабрдан	1,0000

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ**456 «Ишлаб чиқариш қувватларининг йиллик ҳисобот
балансларини тузиш бўйича кўрсатмаларни тасдиқ-
лаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғри-
сида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
6 ноябрда 790-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 16 ноябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддасига асосан ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 8 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолияти тўғрисида»ги 8-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисидаги низомга (Ўзбекистон Республикаси қонунларининг тўплами, 2003 й., 1-2-сон, 7-модда; 2005 й., 8-сон, 44-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги томонидан 1998 йил 26 октябрда 33-сон билан тасдиқланган «Ишлаб чиқариш қувватларининг ҳисобот балансларини тузиш бўйича кўрсатмаларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (1999 йил 3 август, рўйхат рақами 790) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Ушбу қарор Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг ўн кун ўтгач кучга киради.

3. Мазкур қарор Молия вазирлиги билан келишилган.

**Давлат статистика
қўмитаси раиси**

Ғ. ҚУДРАТОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 29 октябрь,
13-сон

Келишилди:

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 29 октябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ**457 «Кимё-фармацевтика маҳсулотини ишлаб чиқариш
бўйича йиғма ҳисоботларни тузиш тартиби тўғриси-
да йўриқнома»ни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
6 ноябрда 928-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 16 ноябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддасига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 8 январдаги 8-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисидаги низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги томонидан 1999 йил 8 октябрда 6-сон билан тасдиқланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тиббий техника ва дори-дармон воситаларининг сифатини назорат қилиш бўйича бош бошқармаси (1999 йил 23 октябрдаги 29/904-сонли) билан келишилган «Кимё-фармацевтика маҳсулотини ишлаб чиқариш бўйича йиғма ҳисоботларни тузиш тартиби тўғрисида йўриқнома» (2000 йил 22 май, рўйхат рақами 928) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Давлат статистика
қўмитаси раиси**

Ғ. ҚУДРАТОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 29 октябрь,
16-сон

Келишилди:

Соғлиқни сақлаш вазири

Ф. НАЗИРОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 23 октябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
«ЎЗПАХТАСАНОАТ» УЮШМАСИ
«СИФАТ» ПАХТА ТОЛАСИНИ СЕРТИФИКАТЛАШ МАРКАЗИНИНГ
ҚАРОРИ

458 «2-пахта (йиллик, мавсумий) ва 50-тп (мавсумий) пахта хом ашёсини қайта ишлаш бўйича ҳисоботни тўлдириш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
6 ноябрда 1081-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 16 ноябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддасига асосан ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 8 январдаги 8-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисидаги низомга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси ва «Сифат» пахта толасини сертифицикатлаш маркази **қарор қилади:**

1. Макроиктисодиёт ва статистика вазирлигининг 2001 йил 10 октябрдаги 33-сонли, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 49-2-178-сонли, «Ўзпахтасаноат» уюшмасининг 1-сонли ҳамда «Сифат» пахта толасини сертифицикатлаш марказининг 01/935-сонли «2-пахта (йиллик, мавсумий) ва 50-тп (мавсумий) пахта хом ашёсини қайта ишлаш бўйича ҳисоботни тўлдириш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарор (2001 йил 10 ноябрь, рўйхат рақами 1081 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2001 йил, 21-сон) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Давлат статистика
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,
2007 йил 29 октябрь,
17-сон

Ғ. ҚУДРАТОВ

**Қишлоқ ва сув
хўжалиги вазири**

Тошкент ш.,
2007 йил 29 октябрь,
3/12-сон

С. ИСМОИЛОВ

«Ўзпахтасаноат» уюшмаси раиси

Ф. ОМОНОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 29 октябрь,
14/2617-сон

«Сифат» пахта толасини
сертификатлаш маркази
Бош директори

В. УСТЮГИН

Тошкент ш.,
2007 йил 29 октябрь,
09/1-755-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

**459 «1-(кичик бизнес) шакли бўйича микрофирма ва
кичик корхона ҳисоботини тузиш тартиби тўғриси-
да йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини
йўқотган деб топиш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
6 ноябрда 1119-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 16 ноябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддасига асосан ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 8 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолияти тўғрисида»ги 8-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисидаги низомга (Ўзбекистон Республикаси қонунларининг тўплами, 2003 й., 1-2-сон, 7-модда; 2005 й., 8-сон, 44-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирининг 2002 йил 27 февралдаги 7-сон «1-(кичик бизнес) шакли бўйича микрофирма ва кичик корхона ҳисоботини тузиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (2002 йил 28 март, рўйхат рақами 1119 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2002 йил, 6-сон) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Ушбу қарор Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг ўн кун ўтгач кучга киради.

3. Мазкур қарор Молия вазирлиги билан келишилган.

**Давлат статистика
қўмитаси раиси**

Ғ. ҚУДРАТОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 29 октябрь,
6-сон

Келишилди:

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 29 октябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

460 «Молиявий натижалар ва ўзаро ҳисоб-китоблар ҳолати тўғрисида ҳисоботни тузиш бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
6 ноябрда 1195-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 16 ноябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддасига асосан ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 8 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолияти тўғрисида»ги 8-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисида»ги низомга (Ўзбекистон Республикаси қонунларининг тўплами, 2003 й., 1-2-сон, 7-модда; 2005 й., 8-сон, 44-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирининг 2002 йил 26 ноябрдаги 24-сон «Молиявий натижалар ва ўзаро ҳисоб-китоблар ҳолати тўғрисида ҳисоботни тузиш бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (2002 йил 19 декабрь, рўйхат рақами 1195 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2002 йил, 23-24-сон) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Ушбу қарор Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг ўн кун ўтгач кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

3. Мазкур қарор Молия вазирлиги билан келишилган.

Давлат статистика
қўмитаси раиси

Ғ. ҚУДРАТОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 29 октябрь,
3-сон

Келишилди:

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 29 октябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

461 Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъект-
ларига бюджетдан ташқари жамғармалар ва «Мик-
рокредитбанк» кредит линиялари ҳисобидан микрокредитлар
бериш тартиби тўғрисида низомга ўзгартириш ва қўшимча-
лар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
8 ноябрда 1548-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 18 ноябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» ва «Микромолиялаш тўғрисида»ги қонунлари асосида **қарор қиламиз:**

1. Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига бюджетдан ташқари жамғармалар ва «Микрокредитбанк» кредит линиялари ҳисобидан микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида низом (2006 йил 21 февраль, рўйхат рақами 1548 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 8-сон, 60-модда)га иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

**Марказий банк
Бошқаруви раиси**

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 12 октябрь,
273-В-2-сон

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 12 октябрь,
94-сон

Марказий банк Бошқаруви ва
Молия вазирлиги томонидан 2007 йил
12 октябрдаги 273-В-2, 94-сонли қарорига
ИЛОВА

**Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига
бюджетдан ташқари жамғармалар ва «Микрокредитбанк»
кредит линиялари ҳисобидан микрокредитлар бериш
тартиби тўғрисида низомга киритилаётган ўзгартириш ва
қўшимчалар**

1. Кириш қисмидаги «Низом» сўзидан кейин «Ўзбекистон Республикасининг «Микромолиялаш тўғрисида» Қонуни» сўзлари билан тўлдирилсин.

2. 36-бандда:

биринчи хатбошидаги «кичик бизнес субъектлари» сўзларидан кейин «қишлоқ жойларида хизматлар кўрсатиш фаолиятини амалга ошираётган тадбиркорлик субъектлари» сўзлари билан тўлдирилсин;

қуйидаги таҳрирдаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Бунда ажратилаётган кредит маблағлари хизмат кўрсатиш соҳасида янги ташкил этилаётган корхоналарни фақат технологик жиҳозлаш мақсадларига йўналтирилади».

3. 37-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«37. Бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари ҳисобидан кредитлар яқка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахс мақомига эга бўлмаган деҳқон хўжаликларига энг кам иш ҳақининг 200 бараваридан ҳамда юридик шахс мақоми олиб фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларига энг кам иш ҳақининг 1000 бараваридан кўп бўлмаган миқдорда берилади».

4. 39-банднинг тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун, жумладан, аҳолига майший, тиббий, сайёҳлик-экскурсия ва меҳмонхона хизмати кўрсатиш, автомобиллар ва бошқа техника таъмири бўйича хизмат кўрсатиш, транспорт хизмати кўрсатишни ривожлантириш учун Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасининг 45 фоизи миқдоригача».

5. 63-банд қуйидаги тахрирдаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«қарз олувчи олинган микрокредитни ва унга ҳисобланган фоизларни кредит шартномасида белгиланган муддатларда тўламаган тақдирда банк Ўзбекистон Республикасининг «Микромолиялаш тўғрисида»ги Қонунининг 20-моддасига кўра ушбу микрокредитни кафилнинг банк ҳисобварағидан кафиллик шартномасида белгиланган тартибда ундириб олиш ҳуқуқига эга».

6. 72-бандда:

учинчи хатбошидаги «5000 АҚШ доллари эквиваленти миқдорида» сўзлари «энг кам иш ҳақининг 200 бараваридан кўп бўлмаган миқдорда» сўзлари билан;

тўртинчи хатбошининг биринчи жумласидаги «10000 АҚШ доллари эквиваленти» сўзлари «энг кам иш ҳақининг 1000 баравари» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси билан келишилган.

*Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири в.б.*

А. ҲАИТОВ

*Тошкент ш.,
2007 йил 12 октябрь*

+

*Монополиядан чиқариш, рақобат ва
тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш
давлат қўмитаси раиси в.б.*

Б. УЛАШЕВ

*Тошкент ш.,
2007 йил 12 октябрь*

—

Савдо-саноат палатаси раиси

А. ШАЙХОВ

*Тошкент ш.,
2007 йил 12 октябрь*

*Ўзбекистон фермер хўжаликлари
уюшмаси раиси*

С. ҚОБИЛОВ

*Тошкент ш.,
2007 йил 12 октябрь*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

462 **Жиноят содир этишда гумон қилиниб ушлаб турилган шахсларни сақлашнинг санитария-гигиена қоидаларини тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
8 ноябрда 1737-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 18 ноябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 229-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги **қарор қилади:**

1. Жиноят содир этишда гумон қилиниб ушлаб турилган шахсларни сақлашнинг санитария-гигиена қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг ўн кундан кейин кучга киради.

Соғлиқни сақлаш вазири

Ф. НАЗИРОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 8 октябрь,
12-сон

Ички ишлар вазири

Б. МАТЛЮБОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 8 октябрь,
16-сон

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва
Ички ишлар вазирлигининг 2007 йил
8 октябрдаги 12, 16-сон қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Жиноят содир этишда гумон қилиниб ушлаб турилган
шахсларни сақлашнинг санитария-гигиена
ҚОИДАЛАРИ**

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 229-моддасига мувофиқ жиноят содир этишда гумон қилиниб ушлаб турилган шахсларни вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида (кейинги ўринларда — ВСХ) сақлашнинг санитария-гигиена қоидаларини белгилайди.

I. Вақтинча сақлаш ҳибсхоналарининг биноларига қўйиладиган талаблар

1. ВСХ биноларини қуриш ва уларни жиҳозлаш ишлари ички ишлар идоралари белгиллаган меъёрлар талабларига жавоб берадиган лойиҳалар асосида амалга оширилади.

2. ВСХ мажмуасига ушланган ва қамоққа олинганларни сақлаш учун мўлжалланган асосий бино, сайр қилиш ҳовлиси ва ўраб (тўсиб) турувчи қурилма (жиҳоз, тўсиқ)лар киради. ВСХ ички ишлар идоралари биноларидан алоҳида ёки биргаликда қурилиши мумкин.

3. ВСХ ички ишлар идораларининг асосий маъмурий биносига туташ қурилган бўлса, унинг маъмурий бинодан алоҳида кириш (чиқиш) дарвозаси бўлиши лозим.

4. Ички ишлар идораларининг асосий маъмурий биносига туташ қурилган ВСХнинг муҳандислик жиҳозлари ва коммуникациялари гигиеник меъёрлар талабларига жавоб бериши, шу жумладан шовқиндан ҳимоя қилинган бўлиши керак.

5. ВСХни биноларнинг ярим ертўласи, цокол ҳамда 1 ва 2 қаватларига жойлаштирилишига рухсат этилади.

6. ВСХ биноси ғиштдан ёки бошқа мустаҳкам материал (темир-бетон, тош ва бошқа)лардан қурилади. ВСХнинг ички деворлари, камераларнинг оралик деворлари ва бошқа хоналар 38 см.дан кам бўлмаган қалинликдаги пишиқ ғиштдан терилади. Камераларнинг деворлари ҳеч қандай бўртиб турувчи жойлари ва бурчаклари қолдирилмаган ҳолда қоришма билан суваб чиқилади. Камераларнинг ташқи деворлари 50 см.дан кам бўлмаган қалинликда бўлади ҳамда ВСХ ичидаги хизмат ва хўжалик хоналари билан туташган деворлари арматурали панжаралар билан мустаҳкамланади.

7. Камераларнинг том қисми ёғоч материаллардан иборат бўлса, ундай ҳолатда қўшимча равишда темир панжаралар ўрнатилиб, металл элементларга қўшиб, пайвандланиб мустаҳкамланади.

8. Сайр қилиш ҳовлиси камералар мажмуаси деворига туташган бўлиб, бевожуба ВСХ ҳудудида ташкил этилади. Сайр қилиш ҳовлисининг майдони энг қўп сифимли камераларда сақланаётганларни бирданига сайрга олиб чиқиш имкониятини берадиган даражада бўлиши лозим. Сайр қилиш ҳовлисининг майдони 12 м²дан кам бўлмаслиги керак.

9. Сайр қилиш ҳовлилари ВСХда мавжуд бўлган камералар сони ва уларнинг майдонига қараб белгиланади. Агар ВСХ ҳудудида сайр қилиш ҳовлилари бир нечта бўлса, бундай ҳолларда сайр қилиш ҳовлилари ғиштли ёки темир-бетонли тўсиқлар билан бўлинади. Ушбу оралик тўсиқ деворларининг баландлиги 3 метрдан кам бўлмаслиги, юқори қисмидан темир панжара ва сим тўрчалар билан ёпилган бўлиши лозим, унинг устидан бир томони 2 метрдан кам бўлмаган темир тунука билан ёпилади. Сайр қилиш ҳовлиларида, ҳовли деворларидан 2 метрдан кам бўлмаган масофада ерга маҳкамланган ҳолда ўриндиқлар ўрнатилиши мумкин.

10. Сайр қилиш ҳовлиларининг барча деворлари силлиқ қилиб сувалади. Поли ёмғир сувини оқизиб кетадиган қияликка эга бўлиши лозим.

11. ВСХ камералар блокига туташган ёки ВСХ биносининг ҳамма томонидан ўраб олинган деворнинг баландлиги 3 метрдан кам бўлмаслиги, ушбу деворнинг ҳар иккала томони силлиқ, тош, ғишт ва бўртиқлардан ҳоли бўлиши шарт.

II. Вақтинча сақлаш ҳибсхоналарининг ички лойиҳаланиши ва жиҳозланишига қўйиладиган талаблар

12. ВСХнинг лойиҳаланиши аниқ табиий иқлим, шахсларнинг демографик таркиби, маиший-ижтимоий шарт-шароити талабларига тўлиқ жавоб бериши керак.

13. Камералар 2—4 ўринли бўлиб, йўлакнинг бир томонида ёки икки томонида жойлаштирилиши мумкин. Икки томонлама қурилган камераларнинг қарама-қарши эшиклари бир-бирига нисбатан озгина сурилган ҳолатда қилиб қурилади. Камералар бир томонлама жойлашганда йўлакнинг кенглиги 1,5 метр, икки томонлама жойлашганда йўлакнинг кенглиги 2 метр бўлади. Йўлакнинг камера хоналари блокига туташган зинасимон панжаралар билан кесишиб ўтиши тавсия этилмайди.

14. Камераларнинг қурилишида, камера эшигида полдан 145—150 см. баландликда, сақланаётганлар тўлиқ кўринадиган даражада қилиб овалсимон кузатув тўйнуги ўрнатилишини кўзда тутиш зарур. Кузатув тўйнугининг ҳажми камера ичидан 14 x 24 см, йўлак томонидан 3,5 x 4,0 см. катталиқда бўлиши лозим. Кузатув тўйнуғига йўлак томондан синмайдиган органик шишадан ясалган ўз ўқида эркин айланадиган қопқоқ ўрнатилади. Шунингдек, камера эшигига овқат бериш учун, пол сатҳидан 120 см баландликда, 20 x 20 см ўлчамда тўйнуқ ўрнатилиб, вагон типидagi қулф билан ёпилади. Тўйнуқлар йўлак томонга очилиб, ерга нисбатан горизонтал ҳолатда туришини таъминлаш учун тиргаклар билан жиҳозланади.

15. Камералар эшикларининг юзаси 190 x 75 см, кенглиги 6 см.дан кам бўлмаган ўлчамда бўлиб, камерага киришда чап томонга (йўлак томонга қараб) очиладиган қилиб ўрнатилиши лозим. Камералар эшигининг очилиш кенглиги камерадан бирваракайига бир кишидан ортиқ шахс чиқолмайдиган (киролмайдиган) даражада бўлиши шарт. Эшикларнинг бундай кенгликда очилишига эришиш мақсадида йўлак томондан эшикни маълум бурчак остида очилишини таъминловчи чегаралагич ўрнатилади.

16. Эшиклар икки томондан яхлит тулука (пўлат) билан эшикка мустаҳкамланган ҳолда қопланади. Эшик қопламасида бирон-бир тиркишнинг ҳосил бўлишига йўл қўйилмайди.

Камера эшикларига турма типидagi қулфлар ўрнатилади, эшик ёпилганда қулф автоматик тарзда (ўз-ўзидан) қулфланадиган, кейин эса калит билан икки маротаба буралиб қулфланадиган бўлиши, эшиклар ташқи томондан темир тирсак (засов) билан ёпиладиган бўлиши керак.

17. Камерадаги деразаларнинг эни 0,9 метр, баландлиги 0,5 метр кенгликда бўлади. Дераза камера ҳавосини алмашилишини таъминлаш учун ташқарига қараб очиладиган ва вагон типидagi қулф билан жиҳозланган тўйнуқ билан жиҳозланади. Камера деразаси, пастки қисми полдан 1,8 метрдан кам бўлмаган баландликда ўрнатилади. Барча камералардаги деразаларга 12 x 20 см катакча шаклидаги вертикалига диаметри 19 мм ва энига кесим юзаси 60x12 мм бўлган пўлат арматуралардан тайёрланган темир панжаралар ўрнатилади. Дераза токчаси айланасимон шаклда ҳеч қандай бурчакларсиз силлиқ қилиб сувалади. Дераза роми ичкари томонидан симли майда тўр билан қопланади. Камера деразаларининг ички томонидан орасидан сим ўтказилган шиша ва ташқи томонидан кўриш имкониятини бутунлай чеклайдиган шиша ойналари («мороз» типидagi ойналар) билан қопланади.

18. Камералар, ушланган ва қамоққа олинганларни сақлаш учун бир қаватли ёки икки қаватли кроватлар билан жиҳозланади. Камераларни иситиш мосламалари дераза остида, устки қисми махсус тешикли пўлат панжара билан қопланган

ҳолатда ўрнатилади. Иситиш мосламаларининг қувурлари камералар деворлари орасидан кўринмайдиган қилиб ўтказилади.

19. ВСХ навбатчисининг хонаси билан бир жойда жойлашган ушланган ва қамокқа олинганларни текширувдан ўтказиш хонасида бўйи 1,2-1,0 метр ва эни 1,0-0,8 метр кенгликда бўлган кабиналар ташкил қилинади. Кабиналар бир-биридан 1/2 қалинликдаги ғиштдан терилган девор билан ажратилади.

20. Жиноят содир этишда гумон қилиниб ушланган шахсларнинг ҳар бирига индивидуал кружкаларда қайнатилган сув тарқатиш учун, ВСХ йўлагидида қопқоғи бекилувчи қайнатилган сув қуйилган идиш бўлиши зарур. Идишдаги қайнатилган сув ҳар куни алмаштирилиб турилиши лозим.

21. ВСХларда қўриқловчи ва навбатчилик қилувчи ходимлар учун ажратилган хоналарнинг кенглиги 12 м² дан кам бўлмаслиги керак.

22. Хоналарни тозалаш анжомлари (пол латтаси, челақ, швабра, чўткалар)ни сақлаш, уларни ювиш учун чиғаноқлар билан жиҳозланган 3 м² дан кам бўлмаган хона ажратилиши зарур.

23. Ушланган, қамокқа олинганлар ва маҳкумлар табиий ёруғлик билан таъминланган, ҳар бир сақланаётган шахс учун майдони 2,5 м² дан кам бўлмаган камераларда сақланади. Ҳомиладор, болали аёллар эркакларнинг камераларига нисбатан ёруғроқ, ҳар бирининг майдони 4 м² дан кам бўлмаган камераларда сақланади.

24. ВСХда 3 кундан ортиқ бўлмаган муддатда ушлаб турилган шахслар бир ёки икки қаватли қаравотлари бор бўлган камераларга жойлаштирилади. Дастлабки 3 кундан ортиқ муддатга қамокқа олинганларни сақлаш камераларида овқатланиш столи, озиқ-овқат маҳсулотлари ва шахсий буюмларини сақлаш учун девор шкафлари бўлиши керак.

25. Ҳамма камералар ичимлик сув идиши ва кружкалар билан таъминланади.

26. Ҳар бир ВСХ овқат иситиш учун ёпиқ спиралли («мармит») электроплита, сув қайнатиш воситалари, шкаф, уч қисмдан иборат идиш-товокни ювиш ваннаси билан жиҳозланади.

27. ВСХ кўрпа-тўшак ва камераларда сақланишига рухсат берилмаган шахсий буюмларни сақлаш учун хоналар билан жиҳозланади.

28. ВСХда сақланаётган шахсларнинг мавсумий кийимлари бўлмаган тақдирда, уларни устки кийим-бош, оёқ кийимлари билан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг буйруғида кўрсатилган меъёрлар асосида, (жазони ижро этиш муассасаларининг захираси ҳисобидан) амалга оширилади.

29. ВСХлар душхона (чўмиладиган хона), дезинфекция хонаси, бошқа хизмат ва ёрдамчи хоналар билан жиҳозланади.

III. Вақтинча сақлаш ҳибсхоналарининг ички муҳитига қўйиладиган талаблар

30. Табиий ва сунъий ёритиш, табиий шамоллатиш ва микроиклим параметрлари, хоналарнинг қуёш нуридан ҳимояланиши амалдаги лойиҳалаш меъёрларига мос келиши лозим.

31. Сунъий ёритишга бўлган асосий гигиеник талаблар: ёруғлик хоналарнинг белгиланган мақсадига мувофиқ бўлиши, кўзни қамаштирадиган даражада ёрқин ва инсон организми ҳамда хонанинг ички муҳитига зарарли бўлмаслиги керак.

32. ВСХнинг барча хона ва камералари умумий ёритилишни таъминловчи сунъий ёруғлик қурилмаси билан жиҳозланиши лозим. Хоналарнинг белгиланган вазифа-

ларига қараб, улар қўшимча равишда маҳаллий ёритиш чироғи билан жиҳозланиши мумкин.

33. Хона ва камераларнинг ўртача ёритилиш даражаси 100 люксдан, йўлак, зинапоя майдони ва зиналарнинг ёритилиши эса 50 люксдан кам бўлмаслиги керак.

34. ВСХнинг барча камераларида электр ёриткичлар ўрнатилади, электр тармоқлари яширин ҳолатда ўтказилади. Камералардаги ёриткич чироқлари, камера эшикларининг тепа қисмидаги махсус туйнукларда ўрнатилиб, металл панжалар билан қопланади. ВСХнинг йўлаги, тергов хоналари, овқат иситиш ва санитар ишлов бериш хоналарининг электр ёриткичлари муҳофазаланган бўлиши керак.

35. Электр тармоғининг авария ҳолатларида ВСХни ёритиш мақсадида аккумулятор батареяларидан ёки мустақил равишда ток берувчи мосламалардан (генераторлардан) фойдаланилади.

36. Сунъий ёритишни тўлдириш учун хоналар юзаси (девор, шифт) имкон борица ёруғликни қайтарувчи ёрқин, ёнғиндан хавфсиз (сув-эмульсияли) бўёқлар билан қопланиши зарур.

37. Узоқ муддатда сақланадиган шахслар хоналаридаги ҳавонинг алмаштирилиб турилиши, табиий вентиляция (ҳавонинг форточка, махсус дераза тешиги) ёки вентиляция туйнугидан кириши орқали амалга оширилиши керак. Ҳавони олиб кетувчи вентиляция мосламаси намлик юқори бўлган хоналар: санитария тармоғи, санитария ишлови бериш, овқат тарқатиш хоналари шифтига қурилиши кўзда тутилиши лозим.

38. Меъёрадаги ҳаво ҳарорати яратилиши ва уни тозалаш учун вентиляциянинг умум алмашинув тизими кўзда тутилиши зарур.

39. Камера хоналарига оқиб келувчи ҳаво, хоналарнинг тепа қисмида жойлашган ҳаво тарқатгичлардан берилиши керак.

40. Вентиляция ва қувурўтказгичларни ўтказувчи туйнукларга симли тўр ўрнатилиб, кемирувчилардан химояланган бўлиши лозим.

41. Иситиш тизимини лойиҳалашда хона ва камералар ҳавосини бир маромда иситиш, иссиқлик оқими бошқарилишини таъминлашни ҳисобга олиш керак. Иситилиш мавсумида ВСХ хоналаридаги ҳаво ҳарорати 18°Сдан кам бўлмаган даражада ушлаб турилиши керак. Доимий иситиш манбаи бўлмаган, вақти-вақти билан иситилиб туриладиган ВСХнинг хоналаридаги ҳаво ҳароратининг суткалик ўзгариши $\pm 3^{\circ}\text{С}$ дан ошмаслиги керак.

42. Йилнинг иссиқ мавсумида иситиш тизимидан камера хоналарини совутиш мақсадида фойдаланиш мумкин.

IV. Вақтинча сақлаш ҳибсхоналарининг ичимлик суви таъминоти ва канализация

43. Марказлашган ичимлик суви тизими бўлган аҳоли пунктларидаги ВСХларда ичимлик суви қувурлари, ёнғинга қарши шланглар ҳамда майший канализация ўтказилиши кўзда тутилиши керак.

44. Марказлашган ичимлик суви тизими, канализацияси ва иссиқлик, газ таъминоти бўлмаган жойлардаги ВСХда маҳаллий (автоном) муҳандислик ускуналар ўрнатилиши лозим.

45. Канализацияси мавжуд бўлган аҳоли пунктларида жойлашган ВСХ камералари санитария тармоғи (унитаз ва қўл ювиш чиганоғи) билан жиҳозлангандилар ҳамда уларнинг канализация тизими қурилиш меъёрлари қоидалари (кейинги ўринларда — ҚМҚ) 2.04.01-98 «Бионоларнинг ички ичимлик сув (водопровод) ва канализация-

си», ҚМҚ 2.04.03-97 «Канализация. Ташки тармоғи иншоотлари», ҚМҚ 2.08.02-96 «Жамоат бинолари ва иншоотлар» қурилиш меъёрлари ва қоидалари талабларига мувофиқ умумий канализация тармоғига уланган бўлиши керак.

46. Канализацияси мавжуд бўлмаган аҳоли пунктларида жойлашган ВСХда ташкил этилган ички канализация тармоғи, нам ўтказмайдиган ўра типдаги ҳожат-хонага уландиган қилиб қурилиши кўзда тутилиши керак.

V. Озиқ-овқат маҳсулотларининг тайёрланиши, сақланиши ва етказиб берилишига қўйиладиган гигиеник талаблар (ВСХга шартнома асосида тайёр овқат етказиб берувчи ошхоналарга тааллуқли)

47. ВСХни тайёр овқат билан таъминловчи ошхоналар умумий овқатланиш корхоналарига қўйиладиган санитария қоида ва меъёрлари талабларига жавоб бериши керак.

48. Технологик жиҳозлар, инвентарлар, идиш-товоқлар, сифимлар санитар-эпидемиологик ҳулосага эга бўлган материаллардан тайёрланган бўлиши ва санитария қоидаларга мувофиқ хом ва тайёр маҳсулотларга ишлов берилишида ишлатилиш учун белгиланган (маркировкаланган) бўлиши лозим.

49. Юувчи ва зарарсизлантирувчи (дезинфекцияловчи) воситаларнинг ишлатилиши бўйича йўриқнома билан шу воситалардан фойдаланувчи ходимлар таништирилади.

50. Юувчи ва зарарсизлантирувчи (дезинфекцияловчи) воситалар яхши шамоллантириладиган ва қуруқ хоналарда сақланади. Зарарсизлантирувчи (дезинфекцияловчи) эритмалар, оғзи пўкак билан яхши ёпиладиган, қорайтирилган шиша идишларда, 5 кундан ошиқ бўлмаган муҳлатда, ёруғлик ва намлик тушмайдиган ҳолатда сақланади.

51. Индивидуал идиш-товоқлар зангламайдиган пўлатдан тайёрланган бўлиши керак. Четлари дарз кетган, ёрилган, синган, пачоқланган, эмал қавати кўчган ҳамда пластмасса ва алюминийдан тайёрланган идиш-товоқлардан фойдаланиш тақиқланади.

52. Идиш-товоқлар овқат қолдиқларидан тозалангандан сўнг юувчи восита қўшилган, ҳарорати 45°Сдан кам бўлмаган сувда (1-ванна) ювилади. Ҳарорати 65°Сдан кам бўлмаган эгилувчи душ насадкаси ўрнатилган шлангдан оқадиган иссиқ сувда (2-ванна) чайилади ва махсус панжара (стеллаж)ларга қўйилиб қурилади.

53. Кружкалар юувчи восита қўшилган иссиқ сувда (1-ванна) ювилади, иссиқ оқар сувда (2-ванна) чайилади ва қурилади.

54. Ошхона анжомлари овқат қолдиқларидан тозалангандан ва юувчи восита эритмаси билан ювилгандан (1-ванна) сўнг, иссиқ оқар сувда (2-ванна) чайилади. Тоза ошхона анжомлари олдиндан ювилиб тозаланган металл кассеталарда тикка ҳолда, дастаси тепага қаратилиб сақланади.

55. 3-ванна ошхона идиш-товоқларини зарарсизлантирувчи (дезинфекцияловчи) эритмада бўктириш учун фойдаланилади.

56. Овқат чиқиндилари белгиланган (маркировкаланган) қопқоқли челақларга, педалли бакларга солиб йиғилади, улар 2/3 ҳажмда тўлгандан сўнг бўшатилади ва тозаланилади, иш кунининг охирида ҳар куни, канализация трапи устида шлангдан оқувчи сув билан тозаланади, 2% ли кальцийли сода билан ювилади. Сўнгра иссиқ сув билан чайилади ва қурилади.

57. Ошхонада қуйидаги кундалик тозалаш ишлари олиб борилади: полларни

ювиш, хидларни йўқотиш ва чангларни артиш, радиаторларни ва дераза токчаларини артиш, ювувчи воситалар билан ҳар ҳафтада деворларни, ёритиш воситаларини ва ойналарни ювиш ва х. к. Ойда бир маротаба ошхонанинг ҳамма хоналарида умумий тозалаш ва зарарсизлантириш ишлари ўтказилади.

58. Озиқ-овқат маҳсулотлари ифлосланишдан сақланган ҳолда ташилиши зарур.

59. Тез ва осон бузилувчи маҳсулотлар йилнинг иссиқ вақтида совуткичли ва ташиш ҳарорати тартибини таъминловчи изотермик транспортларда ташилади (музсиз 1 соат ва муз билан 3 соат). Озиқ-овқат маҳсулотларини ташувчи транспортнинг санитария паспорти бўлиши керак. Транспорт кузови ичкаридан санитария ишлов берилиши учун қулай бўлган материал билан қопланиши ва стеллажлар билан жиҳозланиши лозим.

60. Озиқ-овқат хом ашёси ва маҳсулотларини ташишда ҳамроҳлик қилувчи, йўлда уларни туширувчи ва ортувчи шахслар ўрнатилган намунадаги санитар кийимлардан (халат, қўлқоплардан) фойдаланадилар, тиббий кўрик, лаборатория таҳлили натижалари, касбий ва гигиеник тайёргарликдан ўтганлиги, шаҳодатланганлиги тўғрисидаги маълумотлар қайд қилинган шахсий тиббий дафтарчасига эга бўлишлари шарт.

61. Озиқ-овқат маҳсулотларини ташувчи транспорт воситаси тоза сақланиши шарт. Улардан одам, турли хилдаги белгиланмаган бошқа товарларни ташишда фойдаланиш ман этилади.

62. Озиқ-овқат маҳсулотларини ташувчи транспорт воситасида кундалик тозалаш ишларини транспорт ҳайдовчиси амалга оширади, шунингдек ҳар 10 кунда 1 марта дезинфектор томонидан зарарсизлантириш (дезинфекция) ишлови берилади.

63. Ошхонадан тайёр овқат олиб келинадиган идишлар белгиланган (маркировкаланган) бўлиши ва қатъий мўлжалланган мақсадларда ишлатилиши лозим. Клеёнкали ва бошқа қоплар, металл ва ёғочдан ясалган қутилар, бидонлар, флягалар ишлатилгандан сўнг тозаланиши, 2% кальцийланган соданинг сувли эритмасида (1 литр сувга 20 гр кальцийланган сода) ювилиши, қайноқ сувда чайилиши, қуритилиши ва ифлосланмайдиган жойда сақланиши лозим.

64. Қабул қилинаётган ҳар бир озиқ-овқат маҳсулотининг санитария талабларига жавоб берувчи санитар-эпидемиологик хулосаси ва озиқ-овқат маҳсулотларига қўйиладиган республикадаги мавжуд санитария қоида ва меъёрлари талабларига асосан мувофиқлик сертификати бўлиши шарт.

65. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва тайёр овқат сифатини навбатчи ва тиббий ходим текширади ва бу ҳақда махсус журналга қайд қилади. Ҳамроҳ ҳужжатлари бўлмаган, яроқлилиқ муддати тугаган, бузилиш аломатлари бўлган озиқ-овқат маҳсулотларининг қабул қилинишига йўл қўйилмайди.

66. Тез ва осон бузилувчи озиқ-овқат маҳсулотлари амалдаги санитария қоида ва меъёрларига мувофиқ ҳарорати 2, 6⁰С бўлган музлаткич ва совуткич камераларида сақланади. Ҳароратни назорат қилиб туриш учун совуткич ва музлаткич камераларига термометр ўрнатилади. Битта совуткич камераси бўлган ҳолатларда, камерада гўшт, балиқ ва сут маҳсулотларининг сақланиш жойлари қатъий чегараланган бўлиши, ювилиши ва зарарсизлантирувчи воситалар билан ишлов берилиши осон бўлган махсус полкалар билан жиҳозланиши шарт.

67. Таомлар тайёрланишида фақат давлат стандартларига жавоб берадиган йодланган ош тузидан фойдаланилади.

68. Овқатдан заҳарланиш ҳолатларининг келиб чиқиши, тарқалиши ва унинг олдини олиш мақсадида:

овқат тайёрлашда олдинги овқат қолдигини ишлатиш;
қўлбола тайёрланган қатик, пастеризация қилинмаган сутдан тайёрланган гўшти ёки творогли қуймоқ, майдаланган тухум қўшилган макарон, кремли кондитер маҳсулотлари, кремлар, морслар, паштетлар ва бошқалар;

ўткир таъмли таомлар, сунъий тайёрланган овқат қўшимчаларининг ишлатилиши қатъиян тақиқланади.

69. Ҳар кунги суткалик тайёр овқат намунаси олиб қўйилади. Нохуш эпидемиологик вазиятларда микробиологик текширув ўтказиш учун 1-таомнинг тўлиқ ҳажмдаги порцияси ва 100 граммдан кам бўлмаган гарнирлар намунаси олинади. Намуна оғзи қопқоқ билан ёпилувчи стерилланган шиша идишга солинади (салат ва гарнирлар алоҳида идишга солинади) ва 24 соат мобайнида ҳарорати 2, 6°C бўлган махсус совуткичда сақланади. Суткалик тайёр овқат намунасини тўғри олиш назоратини тиббиёт ходими олиб боради.

70. Жиноят содир этишда гумон қилиниб ушлаб турилган шахсларнинг яқин қариндошлари ёки бошқа фуқаролар томонидан олиб келинган озиқ-овқат маҳсулотлари ва кийим-кечаклар ўрнатилган тартибда, ВСХда сақланаётганларга берилишига рухсат этилади.

VI. Вақтинча сақлаш ҳибсхоналарининг пардозланиши

71. Камераларнинг деворлари ҳеч қандай бўртиб турувчи жойлари ва бурчакларини қолдирмаган ҳолда бетонли қоришма билан суваб чиқилади.

72. Камералардаги поллар ёғочдан қилиниб, бетонли асосда бўлиши керак.

73. ВСХ хоналари:

ташқи муҳитга, инсон соғлиғига бевосита ёки билвосита таъсир қилувчи хид ва зарарли учувчан моддалар ажратмайдиган, микрофлора ва замбуруғли сув ўтларининг кўпайишини тезлаштирмайдиган;

ишлов бериш ва зарарсизлантириш (дезинфекция) учун қулай бўлган материаллар билан жиҳозланади.

74. Намлик даражаси юқори бўлган хоналар, шунингдек жорий зарарсизлантирилиши (дезинфекциялаш) лозим бўлган хоналарнинг (Тиббиёт хонаси, санитария ишлови бериш хонаси ва б.) девори сирланган кошин (плитка) билан ёки бошқа намга чидамли материаллар билан шифтгача қопланиши, хона шифти эса намга чидамли бўёқлар билан бўялиши керак.

VII. Вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида санитария-гигиена ва эпидемияга қарши тартибга риоя қилиниши ва тиббий ёрдам кўрсатиш

75. Ушланган, қамоққа олинган шахсларга шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш, соғлиқни сақлаш идораларининг маҳаллий даволаш-профилактика муассасалари тиббиёт ходимлари томонидан амалга оширилади.

76. ВСХда тиббиёт пунктлари учун умумий майдони 12 м² дан кам бўлмаган хона ажратилади ва тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланади.

77. ВСХга ушлаб туриш учун олиб келинган шахслар камераларга жойлаштиришдан олдин, соғлиғи туфайли шошилиш тиббий ёрдам кўрсатишга муҳтож бўлган шахслар ВСХ навбатчиси томонидан аниқланади ҳамда битлаганлиги текширилади. Қичима, битлаш ҳамда юқумли касаллик борлигига гумон қилинган шахслар бош-

қалардан ажратилиб, ташхиси аниқлангунча, тиббий изоляторда ёки шу мақсадлар учун ажратилган махсус камераларда сақланади.

78. Рухий касаллик аломатлари бўлган шахслар ҳам атрофдагилардан ажратилади. Шифокор-психиатрнинг кўригидан сўнг ва унинг ёзма хулосасига асосланиб уларнинг бошқа шахслар билан биргаликда сақланишига рухсат этилади.

79. Ушланган ва қамоққа олинган шахслардан бирининг соғлиғи ёмонлашганлиги ҳақида шикоят қилган ёки касалликнинг яққол аломатлари бўлган ҳолатларда ВСХ навбатчиси зудлик билан тез тиббий ёрдам бригадасини чақириши шарт.

80. ВСХда сақлаб турилган шахслар ВСХ бошлиғи томонидан тасдиқланган жадвал асосида ҳар етти кунда камида бир маротаба санитар ишловдан ўтказилиши шарт. Битта камерада сақланаётган шахслар санитар ишловидан бир вақтнинг ўзида ўтказилади.

81. ВСХда санитар ишлови бериш хонаси бўлмаган тақдирда, маҳбус ва маҳкумлар умумий ҳаммомларда санитар ишловидан ўтказилади.

82. ВСХнинг хоналари ва камераларида ҳар куни зарарсизлантирувчи воситаларни қўллаган ҳолда техник ходимлар томонидан тозалаш ишлари ўтказилади.

83. ВСХ хоналари ва камераларида чивин, суварак ва кемирувчиларга қарши санитария-профилактик, улар пайдо бўлган ҳолатларда эса, ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси ССВ томонидан рухсат этилган кимёвий препаратлар ёрдамида зарарқунандаларни йўқотиш тадбирлари амалга оширилади.

84. ВСХ санитария ҳолати текширилганлиги натижалари санитария-эпидемиология назорати маркази ходимлари томонидан махсус журналда қайд этилади.

85. Ушбу санитария қоидалари Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош прокуратураси, Миллий хавфсизлик хизмати билан келишилган.

Олий суди раиси

Тошкент ш.,
2007 йил 8 август

Б. МУСТАФОЕВ

Бош прокурор

Тошкент ш.,
2007 йил 24 август

Р. ҚОДИРОВ

*Миллий хавфсизлик
хизмати раиси*

Тошкент ш.,
2007 йил 22 август

Р. ИНОЯТОВ

Вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида жиноят содир этишда гумон қилиниб ушланган ва сақланаётган шахсларга бериладиган озиқ-овқат маҳсулотларининг тавсия этилган суткалик ўртача жамланма меъёрлари (граммларда)

Озиқ-овқат маҳсулотлари номи	Суткалик ўртача меъёр	
	эркаклар	аёллар
2-нав буғдой унидан тайёрланган нон	450	400
1-нав буғдой унидан тайёрланган нон	100	100
2-нав буғдой уни	10	10
Гуруч	40	40
Турли крупалар	110	110
Дуккакдилар (мош, нўхат, ловия)*	15	15
Макарон маҳсулотлари*	25	20
1-навли гўшт	100	100
Янги балиқ*	75	75
Тобланган ҳайвон ёғи, маргарин маҳсулотлари	20	20
Ўсимлик ёғи	25	25
Товуқ тухуми (ҳафтага дондан)	1	1
Шакар	30	30
Йодланган ош тузи	20	15
Чой	1	1
Томат пастаси*	3	3
Картошка*	450	400
Сабзавотлар:*	300	300
Шу жумладан:		
Тузланган ёки янги қарам	140	140
Пиёз	35	35
Сабзи	35	35
Ош лавлаги	20	20
Ошқовоқ	20	20
Бошқа сабзавотлар (турп, шолғом, помидор (шу жумладан тузланган) булғор қалампери (шу жумладан қурилган), бақлажон (шу жумладан тузланган) ва бошқалар	60	60
Қўкатлар (шивит, кўк пиёз, петрушка, ошқўк, райхон)*	20	20
Компот учун қурилган мевалари (олма, беҳи, олхўри, ўрик)	10	10

Изоҳ: * 7—10 кунга мўлжалланган суткалик ўртача миқдор.

Кўрсатилган меъёрга қўшимча равишда (1 кишига 1 кунлик граммларда) вояга етмаганларга — 15 г сариёғ, 10 г шакар, 15 г ёғли пишлоқ; ҳомилали ва болали аёлларга — 50 г 1-нав буғдой унидан тайёрланган нон, 100 г 2-нав буғдой унидан тайёрланган нон, 100 г сабзавотлар, 20 г шакар, 50 г гўшт, 300 мл сигир сути, 40 г сариёғ, 5 г қурилган мева, 50 г творог, 1 дон товуқ тухуми берилади. Онаси билан сақланаётган болаларнинг ВСХда овқатлантирилиши соғлиқни сақлаш тизимидаги меҳрибонлик уйида ўрнатилган меъёрлар бўйича амалга оширилади. ВСХда жиноят содир этишда гумон қилиниб ушланган ва сақланаётган шахсларни тиббий кўрсатмага мувофиқ овқатлантириш учун озиқ овқат маҳсулотларининг асосий суткалик меъёрлари ўрнига 1 кишига 1 суткада 50 г манка ёки сули крупаси, 200 г бульон учун гўшт, 30 г сариёғ, 100 г шакар, 800 мл сигир сути, 10 г туз, 100 мг аскорбин кислотаси берилади.

**Айрим озиқ-овқат маҳсулотларининг (куватлилигини
инобатга олган ҳолда) ўзаро алмаштирилиш жадвали**

Озиқ-овқат маҳсулоти	Оғирлиги (г)	Алмаштирилувчи озиқ-овқат маҳсулоти	Оғирлиги (г)
1 нав буғдой унидан тайёрланган нон алмаштирилади	100	1 нав буғдой унидан тайёрланган сухари	65
		1 нав буғдой уни	75
		1 нав буғдой унидан тайёрланган оддий галет	65
		ёғ билан тўйинтирилган 1	35
		нав буғдой унидан тайёрланган галет вафли	55
Гўшт	100	Мол жигари	116
		1 навли товук гўшти	110
		Балиқ	125
		Творог	120
Сут	100	Зич ёпилган идишдаги ёғи олинмаган курук сут	11
		Ёғи олинган курук сут	7,5
		Қуйилтирилган қанд қўшилган сут	40
		9%ли творог	17
		1 навли гўшт	14
		Балиқ	17,5
		Пишлоқ	12,5
		Товук тухуми	22
Творог	100	Мол гўшти / балиқ	83/105
Товук тухуми (1 дона)	41	Творог	31
		Мол гўшти / балиқ	26/30
		Сут	186
		Пишлоқ	20
		Тухум кукунни	11,5
Балиқ	100	Мол гўшти	87
		Творог	105
Картошка	100	Оқ баргли карам	111
		Гул карам	80
		Сабзи	154
		Лавлаги	118
		Дуккакдилар (ловия)	33
		Яшил нўхат	409
		Консерваланган яшил нўхат	64
		Қовоқ	300
Олма	100	Консерваланган олма	200
		Олма шарбати	90
		Ўзум шарбати	133
		Олхўри шарбати	133
		Қуритилган мевалар:	
		Олма-қора олхўри	12—17
		Майиз-ўрик қоқи	22-8

3-ИЛОВА

**Вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида сақланаётган
шахсларнинг энг кам моддий-маиший таъминоти меъёри**

Буюм номлари	Ўлчов бирлиги	Бир кишига бериладиган миқдори	
		<i>Эркаклар</i>	<i>Аёллар</i>
Хўжалик совуни	грамм	200	200
Атир совун	-"-	50	100
Тиш пастаси (кукуни)	-"-	30	30
Тиш шёткаси	дона	1	1
Бир марта ишлатилувчи хавфсиз устара*	-"-	6	-
Шахсий гигиена воситалари	дона	-	10
Хожатхона қоғози	метр	10	10
Сочиқ	дона	1	1

* Изоҳ: бир марта ишлатилувчи хавфсиз устара ишлатилиб бўлингандан сўнг ВСХ навбатчисига қайтариб берилиши шарт. Давлат аҳамиятига эга бўлган огир жиноятни содир этишда гумон қилинаётганларга ҳамда хавфли рецидив жиноятчиларга хавфсиз соқол олиш ускунаси ва лезвиялар берилмайди. Электрли соқол олиш ускуналардан фойдаланиш рухсат этилиши мумкин.

+

4-ИЛОВА

-

Ҳашоратларга қарши кураш тадбирлари

Чиқиндилардаги преимагаль босқичидаги	Ларвицидларнинг сувли эмульсияларидан фойдаланиш: 0,2% тролен, 1% карбофос, 0,5 % ДДАФ, дифос, дикрезил; 1% дуст дифокарб. қалинлиги 0,5 м.дан кўп бўлган чиқиндиларнинг 1 м ² юзасига 2—5 л. ҳисобида бир текисда қўйилади. Дустнинг 1м ² юзага сарфланиши меъёри — 300 г. 5—10 кунда 1 маротаба зарарсизлантирилади.
Хоналар ичидаги ҳашоратлар	Кимёвий воситалардан фойдаланиш: Хлорофоснинг 2-3%ли сувли эритмаси, инсектицид қоғози (инсектицид моддаси шимдирилган елим қоғоз), 1% хлорофос ёки аммоний карбонатнинг 0,5% ли сувли эритмаси қўшиб тайёрланган хўрак; Ривван ва Альфацид хўраклари, учувчи ҳашоратларни йўқотиш учун қўлланиладиган аэрозоль баллонлари. Механик воситалардан фойдаланиш: ёпишқоқ лента ва б.
Хоналардан ташқаридаги қанотли ҳашоратларни йўқотиш	2% хлорофос ва 0,2% ДДВФ сувли эмульсияси (10:1) нисбатдаги аралашмаси; 1% хлорофос, 0,5% аммоний карбонатнинг сувли эритма аралашмасига чивинларни ўзига жалб қилувчи озиқ-овқат маҳсулотларидан (балиқ ёки гўшт маҳсулотларининг чиқиндилари) қўшиб тайёрланган хўрак.

5-ИЛОВА

**Вақтинча сақлаш ҳибсхоналаридаги тиббий пунктлар
(хоналар) учун зарур бўлган тиббий асбоб-ускуналар
рўйхати**

№	Тиббий асбоб-ускуналар номи	Ўлчов бирлиги	Сони
1.	Тонометр (симобли, мембранали)	дона	1
2.	Стето-фонендоскоп	дона	1
3.	Термометр	дона	5
4.	Бир марта ишлатилувчи шпательлар	дона	100
5.	Қон томири ичига қуйиш системалари	дона	5
6.	Бир марта ишлатилувчи шприцлар (2,0; 5,0; 10,0; 20,0)	дона	5
7.	Инсулин шприцлари	дона	10
8.	Қон тўхтатувчи мослама (резина жгут)	дона	2
9.	Боғлов материаллари учун қайчи	дона	1
10.	Оғиз очгич (Роторасширитель)	дона	1
11.	Тилни тутиб турувчи асбоб	дона	1
12.	Ошқозонни ювишда ишлатиладиган зонд	дона	2
13.	«Оғизга-оғиз» усулида сунъий нафас олдириш учун ишлатиладиган S-симон трубка	дона	2
14.	Кислород ёстиқчаси	дона	1
15.	Бўй ўлчагич (Ростомер)	дона	1
16.	Тарози	дона	1
17.	Бир эшикли тиббий шкаф	дона	1
18.	Дори воситаларини сақлаш учун металл шкаф	дона	1
19.	Сейф	дона	1
20.	Тиббий инструментлар учун столча	дона	1
21.	Стул	дона	2
22.	Стол	дона	1
23.	Тиббий кушетка	дона	1
24.	Тумбочка	дона	1
25.	Чиқиндилар учун сатил (урна)	дона	2
26.	Шифокор ёрдамигача ҳар бир шошилиш ҳолатларда қўлланилувчи тиббий асбоблар ва зарурий дори воситалари билан жиҳозланган (сумка, чемодан)	жамлан- ма (набор)	1

6-ИЛОВА

**Вақтинча сақлаш ҳибсхоналаридаги тиббий пунктлар
(хоналар) учун зарур бўлган дори-дармонлар рўйхати**

№	Дори воситалари	Ўлчов бирлиги	Сони
1.	0,1% Адреналин эритмаси, ампулада 1,0 № 10	уп	1
2.	Валидол таблеткаси 0,06 № 10	уп	5
3.	Валидол томчиси 5 мл флаконда	фл	5
4.	1% Дибазол эритмаси, ампулада 1,0 № 10	уп	2
5.	2% Папаверин гидрохлорид эритмаси, ампулада 2,0 № 10	уп	1

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

№	Дори воситалари	Ўлчов бирлиги	Сони
6.	Эналаприл таблеткаси 0,01 № 20	уп	2
7.	Капотен № 30	уп	1
8.	Клофелин таблеткаси 0,075 № 10	уп	2
9.	0,01 % Клофелин эритмаси, ампулада 1,0 № 10	уп	2
10.	Корвалол 20 мл флаконда	фл	2
11.	Кофеин-бензоат натрий эритмаси, ампулада 1,0 № 10	уп	2
12.	Кордиамин 25% 2,0 № 10	уп	1
13.	2,4% Лидокаин эритмаси, ампулада 10,0 № 10	уп	2
14.	Нитроглицерин таблеткаси 0,0005 № 30	уп	2
15.	Нитросорбид таблеткаси 0,01 № 50	уп	2
16.	10% Новокаинамид эритмаси, ампулада 5,0 № 10	уп	2
	Оғриқсизлантирувчи, иситма туширувчи ва шамоллашга қарши воситалар		
17.	50% Анальгин эритмаси ампулада 2,0 № 10	уп	2
18.	Анальгин таблеткаси 0,5 № 10	уп	2
19.	Аспирин таблеткаси 0,5 № 10	уп	2
	Дезинтоксикацион воситалар		
20.	40% Глюкоза эритмаси, ампулада 10,0 20,0 № 10	уп	2
21.	5% Глюкоза эритмаси, флаконда 500,0	фл	1
22.	0,9% NaCl эритмаси, флаконда 500,0	фл	1
	Антигистамин воситалари		
23.	1% Димедрол эритмаси, ампулада 1 мл № 10	уп	2
24.	Диазолин, дражеда № 10	уп	2
25.	Супрастин таблеткаси № 20	уп	1
	Бронхиал астма хуружини бартараф этувчи воситалар		
26.	2,4% Эуфиллин эритмаси ампулада 10,0 № 10	уп	1
	Тутқаноққа қарши воситалар		
27.	25% Магний сульфат эритмаси, ампулада 10,0 № 10	уп	1
	Спазмолитик воситалар		
28.	0,1% Атропин эритмаси, ампулада 1,0 № 10	уп	1
29.	Но-шпа таблеткаси 0,04 № 100	уп	1
30.	2% Но-шпа эритмаси, ампулада 2,0 № 10	уп	1
	Антацидлар		
31.	Викалин таблеткаси № 10	уп	1
	Қон тўхтатувчи воситалар		
32.	1% Викасол эритмаси, ампулада 1,0 № 10	уп	1
33.	10% Кальций хлорид эритмаси, ампулада 10,0 № 10	уп	1
34.	Этамзилат эритмаси 2,0 № 10	уп	1
	Антибиотиклар ва сульфаниламидлар		
35.	Сульфацил натрий эритмаси, флаконда 5, 10 мл	фл	2
36.	Ампициллин тригидрат таблеткаси 0,5 № 10	уп	5
37.	Тетрациклин гидрохлорид таблеткаси № 30	уп	2
	Бошқа воситалар		
38.	Қисқа ва пролонгир таъсир этувчи Инсулин препарати флаконда	фл	10
39.	1% Лазикс эритмаси, ампулада 2,0 № 10	уп	1
40.	Нашатир спирти, флаконда 30 мл	фл	5

№	Дори воситалари	Ўлчов бирлиги	Сони
41.	0,5% Новокаин эритмаси 5,0 № 10	уп	1
	Антисептик воситалар		
42.	Борнинг 3% спиртли эритмаси, флаконда 10,0	фл	2
43.	Бриллиант яшилининг 0,1-2% спиртли эритмаси флаконда 10,0	фл	5
44.	5% Йоднинг спиртли настойкаси, флаконда	фл	5
45.	3% Водород пероксид эритмаси, флаконда	фл	5
46.	96 градусли этил спирти, флаконда 50 мл	фл	5
47.	Фурациллин таблеткаси 0,02 № 10	уп	5
48.	Хлорамин Б (упаковкада) 500 гр	уп	5
49.	Кальций гипохлориди	кг	100
	Боғлов воситалари		
50.	Бинтлар: 5 м х 10 см, 5 м х 7 см (стерил, ностерил)	дона	5
51.	Пахта стерил ва ностерил 100 гр.дан	дона	5
52.	Лейкопластирь 1 х 500, 2 х 500 ёки 1 х 250	дона	10
53.	Бактерицид лейкопластирь	дона	10
54.	Докали салфеткалар (стерил, ностерил) 20 донадан упаковкада	дона	10

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги маълум қилади:
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
умумий мажбурий тусдаги норматив ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2007 йил 3 ноябрдан 9 ноябргача бўлган маълумот

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 октябрдаги ПФ-3931-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлигининг 2007 йил 5 ноябрдаги М-43, 99-сонли қарори.*

2007 йил 6 ноябрда 1736-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 16 ноябрдан кучга киради).

2. «Ишлаб чиқариш қувватларининг йиллик ҳисобот балансларини тузиш бўйича кўрсатмаларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги *Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси раисининг 2007 йил 29 октябрдаги 13-сонли қарори.*

2007 йил 6 ноябрда 790-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 16 ноябрдан кучга киради).

3. «Кимё-фармацевтика маҳсулотини ишлаб чиқариш бўйича йиғма ҳисоботларни тузиш тартиби тўғрисида йўриқнома»ни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги *Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси раисининг 2007 йил 29 октябрдаги 16-сонли қарори.*

2007 йил 6 ноябрда 928-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 16 ноябрдан кучга киради).

4. «2-пахта (йиллик, мавсумий) ва 50-тп (мавсумий) пахта хом ашёсини қайта ишлаш бўйича ҳисоботни тўлдирish тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги *Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси, «Сифат» пахта толасини сертификатлаш марказининг 2007 йил 29 октябрдаги 17, 3/12, 14/2617, 09/1-755-сонли қарори.*

2007 йил 6 ноябрда 1081-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 16 ноябрдан кучга киради).

5. «1-(кичик бизнес) шакли бўйича микрофирма ва кичик корхона ҳисоботини тузиш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги *Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси раисининг 2007 йил 29 октябрдаги 6-сонли қарори.*

2007 йил 6 ноябрда 1119-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 16 ноябрдан кучга киради).

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

6. «Молиявий натижалар ва ўзаро ҳисоб-китоблар ҳолати тўғрисида ҳисоботни тузиш бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги *Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси раисининг 2007 йил 29 октябрдаги 3-сонли қарори.*

2007 йил 6 ноябрда 1195-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 16 ноябрдан кучга киради).

7. «Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига бюджетдан ташқари жамғармалар ва «Микрокредитбанк» кредит линиялари ҳисобидан микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқаруви, Молия вазирлигининг 2007 йил 12 октябрдаги 273-В-2, 94-сонли қарори.*

2007 йил 8 ноябрда 1548-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 18 ноябрдан кучга киради).

8. «Жиноят содир этишда гумон қилиниб ушлаб турилган шахсларни сақлашнинг санитария-гигиена қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлигининг 2007 йил 8 октябрдаги 12, 16-сонли қарори.*

2007 йил 8 ноябрда 1737-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 18 ноябрдан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ишлаб чиқариш қувватларининг ҳисобот балансларини тузиш бўйича кўрсатмалар. *Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 790, 1999 йил 3 август).*

Адлия вазирининг 2007 йил 6 ноябрдаги 212-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

2. Кимё-фармацевтика маҳсулотини ишлаб чиқариш бўйича йиғма ҳисоботларни тузиш тартиби тўғрисида йўриқнома. *Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 928, 2000 йил 22 май).*

Адлия вазирининг 2007 йил 6 ноябрдаги 213-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

3. 2-пахта (йиллик, мавсумий) ва 50-тп (мавсумий) пахта хом ашёсини қайта ишлаш бўйича ҳисоботни тўлдириш тартиби тўғрисида йўриқнома. *Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси, «Сифат» пахта толасини сертификатлаш маркази томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1081, 2001 йил 10 ноябрь).*

Адлия вазирининг 2007 йил 6 ноябрдаги 214-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

4. 1-(кичик бизнес) шакли бўйича микрофирма ва кичик корхона ҳисоботини тузиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома. *Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1119, 2002 йил 28 март).*

Адлия вазирининг 2007 йил 6 ноябрдаги 215-мх-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

5. Молиявий натижалар ва ўзаро ҳисоб-китоблар ҳолати тўғрисида ҳисоботни тузиш бўйича йўриқнома. *Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1195, 2002 йил 19 декабрь).*

Адлия вазирининг 2007 йил 6 ноябрдаги 216-мх-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
МАЪЛУМОТЛАРИ
МИЛЛИЙ БАЗАСИ



ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАРКАЗИ

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасининг ахборот излаш тизими (ҚХММБ LexUz) аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини кўтариш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан юридик ва жисмоний шахсларнинг кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш, жамиятни ҳуқуқий ахборотлаштириш тизимини такомиллаштириш мақсадида яратилган.

LexUZ фойдаланувчиларга ҚХММБда Интернет орқали фойдаланиш имкониятини таъминлайди ва бунда:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таркибий қисмлари ва реквизитлари, шунингдек, юридик таҳлил карточкаларидаги маълумотлари асосида, яъни:

— Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқлари умумҳуқуқий классификатори бўйича;

— қонунчиликнинг мавзули маълумотномаси бўйича;

— тушунча ва терминлар маълумотномаси бўйича;

— алфавит-предметли кўрсаткич бўйича кўпмезонли, кенгқамровли қидириш имконини беради.

излаш натижалари жадвал қаторлари кўринишида акс эттирилади ва улар билан ишлашнинг қуйидаги имкониятлари мавжуд:

— танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича саралаш;

— танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича гурuhlаш;

— ҳужжатлар билан ишлаш учун натижавий жадвалда уларни танлаш;

— излаш натижасида танланган ҳужжатларга оид барча маълумотларни олиш;

— ҳужжатларга киритилган қўшимча ва ўзгартиришларнинг хронологик тарихини кўриш;

— ҳужжат матнини алоҳида ойнада очиш;

— ҳужжат матнининг фойдаланувчи танлаган санадаги ҳолатини кўрсатиш;

— «Ҳаволалар ҳаритаси» — танланган ҳужжатга нисбатан корреспондент / респондент ҳужжатлар рўйхати;

— ҳужжат таркибида расмий матн қаторида норасмий ахборотларни (тушунтириш ва изоҳлар каби) акс эттириш;

— ҳужжат таркибида матн, жадвал, расмлар ва графикларни акс эттириш;

фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини автоматик тарзда тизимда сақлаб қолиш ва бунда:

— танланган ҳужжатлар рўйхатини сақлаб қолиш;

— излаш шартларини сақлаб қолиш;

— фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини тизимда сақлаш;

фойдаланувчи маълумотларини ва интерфейсини ўзбек ва рус тилларида олиб бориш; базага киритилган ҳужжатлар ҳақида электрон почта орқали хабар йўллаш.

WWW.LEX.UZ

сайтига марҳамат қилинг